БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 2 (1006)

3 ЯНВАРЬ ЖУМА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Кремльда Янги йилни кутиб олиш маросими (1-бет).

СССР савдо министрлигида (1-бет).

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ берилди (1-бет).

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахборотлари (1-бет).

Д. В. Скобельцин. — Тинчлик ва халқлар бахти учун курашаётган отоқли арбоблар (2-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **И. Маргонин.** — Янги имкониятларни ишга солайлик (2-бет).

Тошкент Халқ хўжалик кенгашида (2-бет).

МАТБУОТ ОБЗОРИ: Маданий-оқартув ишларини кенг ёритишга аҳамият берилсин (3-бет).

АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ГЎШТ, СУТ, ЁҒ ЕТИШТИРИШ СОҲАСИДА ЯҚИН ЙИЛЛАРДА АҚШГА ЕТИБ ОЛАЙЛИК! — Свердлов номли колхоз чорвадорларининг муваффақияти (3-бет).

С. Сигов. — Мутахассис кадрлар тайёрлаш савиясини кўтарайлик (3-бет).

Осиё ва Африка мамлакатларининг бирдамлиги конференциясида (4-бет).

Тошкентда (4-бет).

Совет кишиларининг манфаатларини кўзлаб

Бизнинг мамлакатимизда кейинги вақтларда КПСС XX съездининг қарорларига мувофиқ, ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг турмуш даражасини янада кўтариш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди. Ана шу тадбирлардан баъзи бирларини эслатиб ўтайлик. 1957 йил бошидан буён кам ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи оширилди. Айни вақтда солиқ солинмайдиган иш ҳақи минимуми ҳам кўпайтирилди. Бунинг натижасида кам ҳақ оладиган ходимларнинг бутун группаси бўйича иш ҳақи ўрта ҳисобда 33 процент ортди. **1950 йилдан тортиб 1957 йилгача ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи умуман бир ярим баравардан зиёд кўпайди.**

Аҳолини пенсия билан таъминлаш кўп даража яхшиланди. Пенсиялар тўғрисидаги янги Қонунга мувофиқ, пенсияларнинг миқдори анча оширилди ва ишчиларга, хизматчиларга ҳамда меҳнаткашларнинг бошқа категорияларига пенсия тўлаш учун давлат томонидан чиқарилган маблағ кўпайтирилди.

Саноат корхоналари қисқартирилган иш кунига кўчирилмоқда. Ҳозирги вақтда қора металлургиянинг кон-руда, металлургия ва кокс-химия корхоналари ишчилари ва хизматчилари қисқартирилган иш кунига кўчирилмоқда. Олтинчи беш йилликда барча ишчи ва хизматчилар етти соатлик иш кунига, бир қанча касбларди ишчилар эса олти соатлик иш кунига кўчирилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш нархларининг оширилганлиги ҳамда колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбурий тартибда етказиб беришдан 1958 йил 1 январдан бошлаб халос қилинганлиги, ўқув юртларида ўқиш учун ҳақ тўлашнинг бекор қилинганлиги, бундан буён давлат заёмларининг чиқарилмаслиги ҳам аҳолининг даромадларини кўпайтиришга қаратилган энг муҳим тадбирлардандир.

Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларга нима беради? **Кам ҳақ оладиган ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг оширилиши, пенсияларни тўлаш учун чиқариладиган маблағларнинг кўпайтирилганлиги ва заёмга ёзилишнинг қисқартирилганлиги (заём бўйича тўловлар билан олинган ютуқлар ўртасидаги тафсоутни эътиборга олганда) ҳисобигагина аҳоли 1957 йилда 1955 йилдагига нисбатан қарийб 41 миллиард сўм миқдорида қўшимча даромад олди, 1958 йилда эса 60 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча даромад олади.**

Халқ истеъмолининг ортиб бораётганлиги ва совет савдосининг ривожланаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар совет халқининг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бораётганлигини яққол исбот этади. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари хилма-хил товарларни тобора кўпроқ сотиб олиш имкониятига эгадирлар. Улар анча яхшироқ овқатланадиган, яхшироқ кийинадиган бўлиб қолдилар. Ҳар бир совет киши буни кун сайин сезиб турибди! 1957 йилда давлат ва кооператив савдоси орқали 1956 йилдагига нисбатан 70 миллиард сўмлиждан кўпроқ ёки 14 процент кўпроқ товар сотилди.

Бизнинг Совет давлатимиз оналар ва болалар тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилмоқда. Кўп болали оналар ва ёлғиз оналарга пул нафақалари тўланмоқда, болалар муассасалари шохобчалари йил сайин кўпаймоқда. Бир вақтлар кўп болали оналар ва ёлғиз оналарга ёрдам кўрсатиш соҳасидаги тадбирлар амалга оширила бошлаган чоқда СССРдаги бўйдоқлар, ёлғиз кишилар ва бола-чақаси кам гражданлар учун солиқ белгиланган эди. Яқинда СССР Олий Совети болалари бўлган барча ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданлардан, шунингдек ёлғиз хотинлардан солиқ олишни 1958 йил 1 январдан бошлаб бекор қилишни мақсадга мувофиқ деб топди. Бунинг натижасида ана шу солиқ тўловчиларнинг қарийб 85 процента солиқдан тамомила озод қилинади, олинадиган солиқ миқдори эса йилига қарийб 6 миллиард сўмга камаяди.

Партия ва ҳукумат оммаининг моддий фаровонлигини ошириш соҳасидаги тадбирларни бундан буён ҳам изчиллик билан амалга оширадилар. Шу билан бирга аҳолини энг зарур буюмлар билан таъминлашни яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилади.

СССР Савдо министрлигининг 2 январдан бошлаб арақ ва винога янги, оширилган нархлар белгиланиши тўғрисида бугун эълон қилинган ахбороти ҳам кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини кўзда тутади. Бу чора бўйдоқлар, ёлғиз кишилар ва бола-чақаси кам гражданларга солинадиган солиқдан кишиларнинг катта бир группаси халос қилинишни муносабати билан давлатнинг қўшимча харажатларини қоплаш учун давлатнинг пул ресурсларини кўпайтиришни кўзда тутади. Шу билан бирга бу чора спиртли ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш билан курашишга ҳам ёрдам беради. Аҳолининг муайян, оз бир қисми спиртли ичимликларни ортиқча истеъмол қилмоқда. Савдо министрлигининг ахборотида автомобиллар, мотоцикларнинг айрим турлари ва машинада тўқилган гиламлар учун янги, оширилган нархлар жорий қилиниши тўғрисида ҳам гапирилади. Бу тадбирнинг амалга оширилиши шу товарлар билан чайқовчилик қилишга карши кураш олиб боришга ёрдам беради.

Айни вақтда хабар берилишича, Савдо министрлиги доналаб сотиладиган нонга яхлит нархлар белгилади, яхлит нархлар белгиланганида бу нархларни камайтириш кўзда тутилади. Телевизор ва фото аппаратлардан баъзи хилларининг нархлари ҳам камайтирилади.

Урушдан кейинги даврда бизнинг мамлакатимизда давлат чакана нархлари кўп марта камайтирилди. Ҳозирги вақтда бу нархлар 1947 йилдагидан 2,3 баравар камдир. Шу билан бирга нон, гўшт, ёғ ва энг зарур бошқа баъзи товарларнинг нархлари янада кўпроқ миқдорда камайтирилди.

1956 йилда кийим-кечак ва болалар ассортименти баъзи буюмларининг, штапель газлама, алюминий идиш, радио товарларнинг нархлари камайтирилди; 1957 йилда доривор, соат, балиқ ва сабзавот консервалари, озиқ-овқат концентратлари, ёғ, чўчқа гўшти, парранда, дудланган пишлоқ ва бошқа товарларнинг нархлари камайтирилди. **Кейинги икки йил ичидагина нархларнинг камайтирилиши орқасида аҳоли умуман 5 миллиард сўмдан кўпроқ фойда кўрди.** Шу хилдаги тадбирлар бундан буён ҳам амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз янада қудратли юксалиш йўлидан бормоқда. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958 йил учун СССР Олий Совети тўққизинчи сессияси томонидан тасдиқланган Давлат плани саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятнинг ҳамма соҳаларини ва халқнинг фаровонлигини янада юксалтиришни кўзда тутади. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида экономика, фан ва техника шундай даражага эришдики, биз оғир саноатни янада ривожлантириш ва мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш манфаатларига зарар етказмаган ҳолда енгил саноатни ҳам тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятига эгамиз. 1958 йилда ҳар хил газламалар ишлаб чиқариш 1957 йилдагига нисбатан 75 миллион метр, чарм пойафзал ишлаб чиқариш 28 миллион жуфт ортади, кийим-кечак, маданий-маиший буюмлар ва рўзғор буюмлари, шунингдек озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги кескин юксалиш йўлидан бормоқда. Қишлоқ хўжалиги аҳоли учун озиқ-овқат ва саноат учун хом ашёни тобора кўпроқ тайёрлаб бериши керак. Давлат ва кооператив савдосининг товар оборoти 660 миллиард сўм миқдорида ёки 1957 йилдагига нисбатан 45 миллиард сўмдан кўпроқ миқдорда планлаштирилади.

Ҳеч шубҳа йўқки, совет кишилари партия ва ҳукуматнинг кенг меҳнаткашлар оммасининг фаровонлигини янада ошириш соҳасидаги тадбирларини маъқуллайди, чунки бу тадбирлар меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини ифода этади.

(«ПРАВДА»нинг 3 январдаги редакцион мақоласи).

СССР савдо министрлигида

СССР Савдо министрлиги 1958 йил 2 январдан бошлаб арақ ва ароқларнинг янги, оширилган нархларини жорий қилди.

Айни бир вақтда, энг зарур товарлардан бўлмаган бир қанча саноат товарларининг нархларида анча тўғрироқ нисбат бўлиши манфаатини кўзлаб, автомобиллар, мотоцикларнинг айрим турлари ҳамда машинада тўқилган гиламлар учун янги, оширилган чакана нархлар жорий этилади. Бу тадбирнинг амалга оширилиши шу товарлар билан чайқовчилик қилишга қарши кураш олиб боришга ёрдам беради.

СССР Савдо министрлиги харидорлар билан ҳисоб-китобни осонлаштиришни таъминлаш мақсадида доналаб сотиладиган нон ва булкаларга 1958 йил 2 январдан бошлаб яхлит чакана нархлар жорий қилди. Яхлит нархлар белгиланганда бу нархларни камайтириш кўзда тутилди.

1958 йил 2 январдан бошлаб телевизорлар ва фотоаппаратлардан баъзи хилларининг чакана нархлари камайтирилди.

СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ Н. С. Хрушчев сўзлаган нутқнинг тексти брошюра қилиниб нашр этилди

Давлат Сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тўртинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессиясидаги нутқини брошюра қилиб нашр этди.

Брошюра кўп нусхада босилиб чиқди. (ТАСС).

«Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари» тўплами

«Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари» (биринчи съездан тортиб ўн учинчи съездгача) тўплами босилиб чиқди.

Тўпламни Ўзбекистон Компартияси тарихи институти — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг филиали тайёрлади. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон интеллигенцияси биринчи съездининг стенографик ҳисоботи

Ўзбекистон интеллигенцияси биринчи съездининг стенографик ҳисоботи босилиб чиқди. Китобни Ўзбекистон Компартияси тарихи институти тайёрлади.

Китоб ўзбек ва рус тилларида босилган. (ЎзТАГ).

Г. В. Плеханов асари ўзбек тилида

Г. В. Плехановнинг «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир» номли китоби ўзбек тилида босилиб чиқди. Китобни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг Ўзбекистон филиали таржима қилди. (ЎзТАГ).

Кремлда янги йилни кутиб олиш маросими

Совет кишилари Янги, 1958 йилни ижодий гайратга тўлиб-тошган ва ўз кучларига ишонган ҳолда кутиб олдилар. Уларнинг қалблари улуғ социалистик Ватан учун, Ленининг енгилмас байроғи остида Ватанимиз эришган ажойиб муваффақиятлар учун ифтихор ва ҳурсандлик ҳислари билан тўлди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати 31 декабрда Катта Кремль саройида янги йилни кутиб олишга бағишланган традицион қабул маросими ўтказди. Ўқувчилар учун жуда баланд кўмкўк арча ўрнатилган Георгий зали ҳамда Грановитая палата юзлаб меҳмонлар билан лиқ тўлди.

Меҳмонларни Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Я. Э. Калнберзин, А. Н. Косигин, М. Г. Первухин ўртоқлар кутиб олдилар.

СССР ва иттифоқчи республикалар Олий Советларининг депутатлари, министрлар, марказий муассасаларнинг ва бошқармаларнинг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Флотининг атоқли намояндалари, Москва ва Москва областидаги саноат корхоналарининг, колхозлар ва совхозларнинг илғорлари янги йилга атаб дастурхонлар ясаб қўйилган столлар атрофида жой олдилар.

Меҳмонлар орасида СССРдаги чет эл дипломатик вакилликларининг бошлиқлари, шунингдек Москва ва Бутун Россия патриархи Алексей ҳамда руҳониларнинг бошқа намояндалари бор эди.

Ярим кечага бир неча минут қолганда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг янги йил муносабати билан табриклаб совет халқига қилган мурожаатидаги сўзлар радио орқали тантанали янгради.

Қабул маросими қатнашчилари совет халқининг қаҳрамонона меҳнати туфайли қўлга киритилган улуғвор натижаларни якунловчи, тинчлик учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда Совет Иттифоқининг ролини таъкидлаб кўрсатган, коммунизм қуришда янги муваффақиятларга, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигининг таянчи бўлган СССРни мустаҳкамлашга чақирган янги йил мурожаатини эътибор билан тингладилар.

Георгий залида чироқ бир нафас ўчирилади ва янги йил учун безатилган гўзал арчанинг ранг-баранг чироқлари қоронғиликда ярқираб кетади. Ернинг Совет Иттифоқида яратилган, ўзининг машҳур радио сигналларини бераётган, СССРда илм-техниканинг нақадар юксакликка парвоз қилганлигининг нишонаси бўлган сунъий йўлдошларнинг суратлари залнинг охиридаги юлдузли экранда аён бўлиб кўринди. Саройда СССР давлат гимнининг оҳанглари улуғвор бўлиб янграйди. Янги, 1958 йил бошланди.

СССР Министрлар Совети раиси Н. А. Булганин Совет Иттифоқи халқларининг ер юзидаги ҳамма халқлар билан дўстлиги учун, Кремлда янги йилга бағишланган қабул маросимида меҳмон бўлиб қатнашаётган чет давлатлар вакилларининг соғлиги учун — чет давлатларнинг элчилари, вакиллари ва ҳамма намояндалари соғлиги учун қадаҳ кўтаради.

Москвадаги дипломатик корпус дуайени (оқсоқоли), Швециянинг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Рольф Р. Сульман жаноблари ҳайриҳоҳлик ифодаси бўлган жавоб нутқи сўзлайди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ҳозирги замон шароитида умумий тинчликнинг гарови ва социализм мамлакати эришган муваффақиятларнинг гарантияси бўлган Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари учун, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун қадаҳ кўтаради.

Залда тўпланганлар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг гитлерчиларга қарши коалицияда қатнашган давлатлар шарафига, социалистик мамлакатлар шарафига, қаҳрамон совет ишчилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари шарафига қадаҳ кўтариб айтган сўзларини қизғин кутиб олдилар.

* * *

Кремлда янги йилни кутиб олишга бағишланиб самимий, дўстона вазиятда ўтган қабул маросимида атоқли санъат усталари катта концерт бердилар. (ТАСС).

1957 ЙИЛДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «СССРда уй-жой қурилишини кенгайтириш тўғрисида» 1957 йил 31 июлда чиқарган Қарорида яқин 10-12 йил мобайнида мамлакатда уй-жой танқислигини тугатиш вазифасини қўйган эдилар. Ана шу Қарорга мувофиқ, 1957 йилда давлатнинг капитал маблағлари ҳисобига, шунингдек аҳоли маблағлари ҳисобига ва давлат кредити ёрдами билан уй-жой қуриш ҳамда фойдаланишга топшириш давлат плани 46 миллион квадрат метрдан жамъи 47 миллион квадрат метрга оширилди.

Совет мамлакатидаги қурувчилар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг тарихий Қарорини кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштироки билан амалга ошириб, катта муваффақиятларга эришдилар ва белгиланган топшириқни ошириб бажардилар.

1957 йилда шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда, МТСларда, совхозларда ва ўрмончилик хўжаликларида давлат уй-жой қурилиши ҳисобига, шунингдек аҳоли томонидан бажарилган уй-жой қурилиши ҳисобига жамъи салкам 48 миллион квадрат метр ҳажмидаги уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Бу эса, 1956 йилда фойдаланиш учун топширилган уй-жойларнинг ҳажмидан 30 процент ортиқдир.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси

1957 ЙИЛДА САБЗАВОТ ТАЙЁРЛАШ ВА ХАРИД ҚИЛИШ, МЕВА ВА УЗУМ ХАРИД ҚИЛИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Мамлакат қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлашни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришдилар. Улар сабзавот тайёрлаш ва харид қилиш, мева ва узум харид қилиш давлат планини муддатидан илгари бажардилар.

1957 йилда 4 миллион тонна, ёки ўтган йилнинг шу даврида тайёрланган ва харид қилинганидан 260 минг тонна кўпроқ сабзавот, салкам 800 минг тонна, ёки ўтган йилдагидан 220 минг тонна кўпроқ мева, 783 минг тонна, ёки ўтган йилдагидан 124 минг тонна кўпроқ узум тайёрланди ва сотиб олинди.

Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР, Эстония ССР сабзавот тайёрлаш ва харид қилиш планини, РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР мева тайёрлаш ва харид қилиш планини, РСФСР, Украина ССР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР узум тайёрлаш ва харид қилиш планини муваффақиятли суратда бажардилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси

1957 йилда қора металлар прокати ишлаб чиқариш планининг бажарилиши тўғрисида

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Қора металлургия ходимлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ва СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг саноатни бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошира бориб ва социалистик мусобақани кенг ривожлантириш асосида прокат ишлаб чиқариш юзасидан 1957 йил учун белгиланган планни муваффақиятли суратда бажардилар.

1957 йилда 40 миллион тонна қора металл прокати ёки 1956 йилда ишлаб чиқарилган прокат миқдорига нисбатан 6 процент кўпроқ прокат ишлаб чиқарилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси.

Ғалаба ҳайкалининг энг яхши проекти учун Бутуниттифоқ конкурси

СССР Министрлар Советининг топшириғига мувофиқ, СССР Маданият министрлиги, СССР Госстрой ва Москва шаҳар Совети ижроия комитети Ғалаба ҳайкалининг энг яхши проекти учун Бутуниттифоқ миқёсида очиқ конкурс эълон қилдилар.

Ҳайкал совет халқи ва унинг қуролли кучларининг 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган жаҳоншумул-тарихий ғалабасини пишонлаш юзасидан ва ана шу ғалабанинг 15 йиллиги муносабати билан Москва шаҳрида ўрнатилади.

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ берилди

Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети шудгорлашнинг бориши тўғрисида МТСлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 26 декабрдан 31 декабргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи 2-Янгийўл МТСига (директори **Акромов,** партия ташкилотининг секретари **Изатуллаев,** бош агроном **Халимон,** бош инженер **Бсголюбов** ўртоқлар) берилди. Бу МТС ўтган беш кунликда йиллик планга нисбатан 20,3 процент ерни шудгор қилган, шудгорлаш планини 57,1 процент бажарган. Байроқ Оржоникидзе МТСидан олиб берилди.

Шудгорлашда намуна кўрсатган илғор механикларни, тракторчиларни, прицепщикларни, МТС ишчиларини мукофотлаш учун 2-Янгийўл МТСига 3 минг сўм пул берилди ва битта юк автомашинаси ажратилди.

1-Бекобод, 2-Бўка ва **2- Мирзачўл** МТСларининг шудгорлашдаги яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Урта Чирчиқ районидаги Киров номли совхозга** (директори **Пак,** партия ташкилотининг секретари **Федин,** бош агроном **Хомич,** бош инженер **Син Дя-Син** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз бўйича ўтган беш кунликда планга нисбатан 21,2 процент ер шудгор қилинган ва шудгорлаш йиллик плани 92,6 процент бажарилган. Байроқ «Оққўрғон» совхозидан олиб берилди.

Шудгорлашда намуна кўрсатган илғор механизаторларни, тракторчиларни, прицепщикларни, совхоз ишчиларини мукофотлаш учун Киров номли совхозга 3 минг сўм пул берилди ва битта юк машинаси ажратилди.

«Мирзачўл», 3-«Боёвут» ва **1-«Оҳангарон»** совхозларининг шудгорлашдаги яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ

Чандрасекхара Венката Раман — физик-олим, Ҳиндистон фанлар академиясининг президенти (Ҳиндистон).

Эммануэль д'Астье де ла Вижери — жамоат арбоби, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг раис ўринбосари (Франция).

Мария Роса Оливер — ёзувчи ва жамоат арбоби, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси (Аргентина).



Николай Семенович Тихонов — ёзувчи, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг раиси (СССР).



Удакендавала Сарананкара тхеро — Будда динининг руҳонийси (Цейлон).

Данило Дольчи — ёзувчи ва жамоат арбоби (Италия).

Генрих Брандвайнер — Грац шаҳридаги университетда халқаро ва черков ҳуқуқлари профессори (Австрия).

ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚЛАР БАХТИ УЧУН КУРАШАЁТГАН АТОҚЛИ АРБОБЛАР

Академик Д. В. СКОБЕЛЬЦИН
«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотлари Комитетининг Раиси

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотлари комитети Ленин тинчлик мукофоти лауреати деган фахрий ном олишга кандидатлар кўрсатиш тўғрисида турли мамлакатларнинг турли ижтимоий ташкилотлари, группалари, илмий бирлашмалари, муассасаларидан тушган таклифларни кўриб чиқди.

Тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун улуғ курашчи бўлган Ленин номидаги халқаро тинчлик мукофотлари ўз илмий асарлари, адабиёт ва санъат асарлари ёки ижтимоий, диний ва бошқа фаолиятлари билан халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшган ҳар қандай кишига, бу кишиларнинг сиёсий қарашлари, қайси партияга мансуб бўлишлари, диний эътиқодлари ва ирқий тафовутларидан қатъий назар, берилади.

Комитет турли мамлакатларнинг тинчлик ва халқлар ўртасида тинч-тотув яшаш учун актив ва изчиллик билан курашиб келаётган атоқли арбобларидан бир группасига халқаро Ленин мукофотлари бериш тўғрисида қарор чиқарди.

Чандрасекхара Венката Раман (Хиндистон), Эммануэль д'Астье де ла Вижери (Франция), Мария Роса Оливер (Аргентина), И. С. Тихонов (СССР), Удаккендавала Сарананкара Тхеро (Цейлон), Данило Дольчи (Италия), Генрих Брандвайнер (Австрия) Ленин тинчлик мукофоти лауреати деган улуғ номга сазовор бўлдилар.

Тинчлик учун курашиб келган ва Ленин мукофотлари комитети томонидан тақдирланган бу атоқли арбобларнинг ҳаёт йўллари турличадир, улар турли мамлакатларнинг вакиллари бўлиб, уларнинг сиёсий эътиқодлари ҳам турличадир. Лекин уларнинг ҳаммаси учун битта умумий белги бор. Бу умумий белги шуки, уларнинг ҳаммаси тинчликни маҳкамлаш ва мустаҳкамлаш учун юксак ва олижаноб мақсадларга интилиб келмоқдалар, атом-водород урушининг ҳаммани қирувчи тўфони ер юзига ёйилмаслиги учун ҳамма чораларни кўришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўзлари олиб боратган бу курашда якка-ёлғиз эмаслар. Улар тинчлик учун курашаётган ва ўз сафида юз миллионлаб кишиларни бирлаштирган, кундан-кунга ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган, бир қанча мамлакатлардаги агрессив кайфиятда бўлган монополистик доираларнинг жиноятқорона планларини бузиб ташлашга ўзларининг қодир эканликларини тобора яққол намойиш қилиб кўрсатаётган улуғ тинчлик армиясининг олдинги қаторида борморқдалар.

Халқаро Ленин тинчлик мукофотининг лауреати Чандрасекхара Венката Раман ўз мамлакати бўлган Хиндистондагина номи кенг ёйилган киши бўлмай, шу билан бирга бутун дунё олимларига ҳам маълум бўлган атоқли физик олимдир. Ҳозирги вақтда у Хиндистон ҳукуматининг физика масалалари бўйича кенгашчиси, шунингдек Бангалордаги физика илмий текшириш институтининг директори бўлиб ишламоқда. У ярим асрдан бери қилиб келаётган ўзининг илмий фаолияти билан физикани ривожлантиришга, айниқса оптика соҳасида қимматли ҳисса қўшди. 1928 йилда Раман ёруғликнинг «комбинацион ёйилиши» деб аталган ҳодисани кашф қилди (буни Рамандан қатъи назар совет физиклари Л. И. Мандельштам ва Г. С. Ландсберг ҳам кашф қилган эдилар). Физикада унинг номи билан боғланган ва жуда катта аҳамиятга эга бўлган (Раман — эффект) бу ҳодисани кашф қилганлиги учун 1930 йилда Раманга Нобель мукофоти берилган. Ч. В. Раман 1947 йилда СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси бўлиб сайланди.

Ч. В. Раман Ҳиндистонда бир қанча илмий муассасаларнинг ташкилотчиси ва раҳбари бўлиб фанни ривожлантириш учун кўп иш қилди.

Атоқли олим Ч. В. Раман мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида актив қатнашмоқда. У ўз нутқларида ва мақолаларида империалистик мамлакатларнинг агрессив сиёсатини фош қилиб ташлаб, тинчлик учун кураш, миллий мустақиллик учун ва халқларнинг турмуш даражасини ошириш учун олиб борилаётган кураш билан чамбарчас боғланганлигини кўрсатиб ўтмоқда.

Франция парламентининг депутати Эммануэль д'Астье де ла Вижерига Халқаро Ленин Тинчлик мукофоти берилди. Д'Астье де ла Вижери ўзининг ҳаёт йўлини денгиз офицери бўлиб ишлаш билан бошлади. У бир неча йил хизмат қилгандан кейин флотдан кетди ва турли газеталарда ҳамда журналларда хизмат қила бошлади. Гитлерчи оккупациячилар 1940 йилда Францияни босиб олганларидан кейин бошқа минг-минглаб француз ватанпарварлари каби д' Астье де ла Вижери ҳам қаршилик кўрсатиш ҳаракатига қўшилди.

Урушдан кейин бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Францияда ҳам тинчлик тарафдорлари ҳаракати вужудга кела бошлади. Д' Астье де ла Вижери тинчлик учун курашиб келаётган атоқли француз арбоблари Ф. Жолио-Кюри, Ив Фарж ва бошқа жамоат арбоблари билан бирликда бу ҳаракатга актив қўшилди. Тинчлик тарафдорларининг 1949 йил апрель ойида Парижда бўлган биринчи Жаҳон конгрессида д' Астье де ла Вижери Жаҳон Тинчлик ҳаракатининг раҳбарий органларига сайланди.

Д' Астье де ла Вижери тинчлик учун, урушга қарши курашга кўп куч ва ғайрат сарфламоқда. У Тинчликни ҳимоя қилиш учун турли мамлакатларда курашаётган жамоатчилик вакилларининг бир қанча халқаро конгресслари ва учрашувларини ташкил этди ва ўзи актив қатнашди. У, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг раис ўринбосари сифатида тинчлик тарафдорлари ҳаракатига қўшилмаган бўлсалар ҳам, лекин халқаро кескинликни юмшатишни талаб қилаётган ижтимоий-сиёсий арбоблар ва ташкилотларни тинчлик учун курашга жалб қилиш соҳасида катта иш олиб бормоқда. Француз тинчлик кенгашининг раҳбарларидан бири бўлган д' Астье де ла Вижери Жазоирдаги урушни тўхтатиш учун, низоли халқаро проблемаларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун курашиб келмоқда.

Халқаро Ленин мукофотига сазовор бўлган Мария Роса Оливернинг номи Аргентинада ва Латин Америкаси мамлакатларида жуда машҳурдир. Унинг ҳаёти тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун қилинаётган чинакам қаҳрамонлик деса бўлади. У, оқ суяклар оиласида туғилди. Роса Оливер болалигида қаттиқ дард тортиб, умрбод ярим фалаж бўлиб қолди. Оливер ўзининг шундай оғир дардга тушиб қолганлигига қарамай, жамоатчилик ишлари ва журналистика билан шуғулланабошлайди. Унинг прогрессив қарашлари оиласига ёқмай, ўртада жанжал чиқади ва шу сабабли у ўз оиласидан чиқиб кетиб, бир қанча демократик газета ва журналларда ишлашни давом эттиради.

Урушдан олдинги йилларда М. Р. Оливер фашизмга қарши, жаҳон урушини тайёрлашга қарши бир қанча мақолалар ёзади, уруш вақтида эса Америка қитъасидаги мамлакатларда фашизмга қарши авж олиб кетган кампанияда актив қатнашади.

Мария Роса Оливер Аргентинада тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг ташаббусчиларидан бири бўлди. Ҳозирги вақтда у Аргентинада Тинчлик кенгашининг раис ўринбосаридир. М. Р. Оливер урушга қарши фидокорона курашиб келганлиги туфайли тинчлик тарафдорларининг халқаро ҳаракатида атоқли арбобларнинг бири бўлиб қолди. Уни Жаҳон Тинчлик Кенгашига аъзо қилиб сайлайдилар. У, маданият арбобларининг Вроцлав конгрессида, халқларнинг тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган Вена конгрессида, Хельсинкида ўтказилган Жаҳон Тинчлик Ассамблеясида қатнашди.

М. Р. Оливер тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг мақсадлари ва вазифаларини тушунтириш соҳасида катта иш олиб бормоқда. У, ҳамиша Аргентинани айланиб юриб, Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларга бориб, уруш хавфига қарши курашга даъват қилмоқда. М. Р. Оливер таъқибларга дуч келаётганлигига қарамай, тинчлик учун курашаётганларнинг биринчи сафларида қолмоқда. Аргентинадаги ва бутун Жанубий Америкадаги тинчлик тарафдорларининг ҳаммасини тинчликни ҳимоя қилиш йўлида тағин ҳам активроқ курашишга ўзининг ибратли ишлари билан руҳлантирмоқда.

Машҳур совет ёзувчиси ва жамоат арбоби Н. С. Тихоновга халқаро Ленин тинчлик мукофоти берилганлиги тўғрисидаги хабарни совет кишилари фахрланиб ва қувониб кутиб олдилар.

Н. С. Тихонов 36 йилдан бери давом қилиб келаётган ўзининг ижодий фаолияти даврида совет кишиларининг ватанпарварлиги тўғрисида, халқимизнинг меҳнат ва жангдаги қаҳрамонликлари ҳақида, халқларимизнинг улуғ дўстлиги тўғрисида, совет кишиларининг тинчлик учун тинмай курашаётганликлари ҳақида, бутун ер юзидаги меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги тўғрисида кўпгина ажойиб асарлар ёзди.

Унинг кейинги йилларда ёзган асарларини ва шулар орасида «Икки оқим» ҳамда «Иккинчи жаҳон Тинчлик конгрессида» деган шеърлар цикли сингари асарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Тихоновнинг шарқ халқларининг тинчлик учун курашига бағишланган ва «Оқ мўъжиза» деб аталган янги повести 1956 йилда эълон қилинди.

СССРда 1949 йилда тинчлик тарафдорларининг уюшган ҳаракати бошланган пайтдан бери Н. С. Тихонов тинчлик тарафдорлари совет комитетининг муттасил раиси бўлиб ишлаб келмоқда. У, 1950 йилда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси ва Жаҳон Тинчлик Кенгаши бюросининг аъзоси бўлиб сайланди. Н. С. Тихонов тинчлик учун кураш масалалари тўғрисида тинчлик конференцияларида неча марталаб докладлар қилди, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун кўп иш қилди. У, тинчлик тарафдорларининг барча халқаро учрашувларида қатнашди, тинчлик учун курашаётган совет кишиларининг вакили сифатида кўпгина чет эл мамлакатларига бориб келди. Тихоновнинг тинчликни ҳимоя қилиб, атом уруши хавфига қарши сўзлаган жуда кўп нутқлари ва ёзган асарлари чет мамлакатлардаги тинчлик тарафдорлари орасида унинг номини кенг ёйди.

Халқаро Ленин тинчлик мукофотлари лауреатлари орасида Ч. В. Раман билан бир қаторда Осиёнинг яна бир вакили бор. У, будда динининг руҳониси ва Цейлон жамоат арбоби Удакендавала Сарананкарадир. У, Сарананкара иккинчи жаҳон урушидан олдин Ҳиндистонда студент бўлиб ўқиётган вақтидаёқ империализм сиёсатига қарши, тинчлик учун курашди. У, империализмга қарши олиб борган фаолияти учун неча марталаб қамоққа олинди, тюрьмаларда азоб тортди.

У, 1941 йилда Цейлонда «Навалока» деган ойлик журнал чиқара бошлади. Бу журнал миллатлар ўртасида дўстлик бўлиши учун, қуролсизланиш учун, бутун дунёда тинчлик учун 16 йилдан бери курашиб келмоқда. Жаҳон Тинчлик Кенгаши тузилгандан кейин бу журнал Жаҳон Тинчлик Кенгашининг мурожаатларини ва қарорларини қизғин равишда қўллаб-қувватлайдиган бўлиб қолди.

У, Сарананкара Цейлондаги тинчлик тарафдорлари биринчи конференциясининг бош ташкилотчиларидан бири бўлди. 1950 йилда Цейлон Тинчлик кенгаши тузилганидан кейин у кенгаш ижроия органининг аъзоси бўлиб сайланди, сўнгра шу кенгашнинг секретари бўлиб ишлади. У, Сарананкара жуда кўп қийинчиликларни енгиб, имзолар тўплашга бағишланган ва урушга қарши қаратилган митинглар ва кампаниялар ташкил қилди ва мамлакатда тинчлик учун курашни авж олдиришга ҳар томонлама ёрдам берди. Хельсинки, Берлин, Будапештда бўлган халқаро конгрессларда У. Сарананкара Цейлондаги тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг вакили бўлиб қатнашди.

У, Сарапанкара ядро қуролини тақиқлаш учун жон-дили билан курашиб келмоқда. У 1957 йилда Англия водород бомбалари синовларини ўтказаётганлигига қарши норозилик билдириш мақсадида Рождество ороллига кўнгилли бўлиб боришга ариза берди. Унинг бу иши мамлакатда жуда катта таассурот туғдирди. Юзлаб кишилар у билан бирга бормоқчи бўлдилар ва шу тарика ядро қуроли синовларига қарши кампания Цейлон халқининг деярлик ҳамма табақаларини ўз ичига олди. Ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги мурожаатга мамлакатда 500 минг имзо тўпланди, ҳамма жойда маҳаллий тинчлик кенгашлари тузилди. У, Сарананкара тинчлик ва халқлар дўстлиги йўлидаги ўзининг олижаноб фаолиятини ҳормай-толмай давом эттирмоқда.

Италъян ёзувчиси ва жамоат арбоби Данило Дольчи халқаро Ленин тинчлик мукофотлари лауреатлари рўйхатида муносиб ўрин олади. 1956 йилда унинг «Партиникодан чиққан бандитлар» деган китоби босилиб чиқди. Бу китобда Сицилиядаги Партинико қишлоғидаги даҳшатли қашшоқлик манзаралари гоят зўр куч билан тасвирланади. Автор бу китобни ёзмоқ учун Сицилия батраклари ва мардикорларининг турмуш шароити тўғрисида жуда кўп ва ишонтирарли маълумотлар тўплади. Китобда Италиянинг жанубидаги жуда мушкул турмуш шароитини кўрсатувчи ва Сицилия аҳолисини жиноят йўлига киришга мажбур қилаётган сабаблар тўғрисида яққол статистика маълумотлари келтирилган.

Данило Дольчи батраклар ҳаракатида қатнашмоқда. Бунинг учун у галаёнга даъват қилишда айбланиб судга берилган эди. Д. Дольчи устидан ўтказилмоқчи бўлган судга қарши прогрессив итальян доиралари ўртасида жуда катта газаб тўлқини қўзғалди. Турли маслаклардаги маданият арбоблари, шу жумладан атоқли ёзувчилар, кино режиссерлар, рассомлар Д. Дольчини ҳимоя қилиб чиқдилар.

«Партиникодан чиққан бандитлар» деган китобдан кейин Д. Дольчи «Палермода ўтказилган текшириш» деган асар ёзди. Бу асарда жуда кўп материаллар асосида Италия жанубидаги меҳнаткашларнинг қашшоқлиги яққол кўрсатиб берилади. Ёзувчи ўзининг бу китоби учун яна суд жавобгарлигига тортилди ва икки ой тюрьмага қамаб қўйилди. Бу сафар ҳам унинг устидан бўлган судга қарши Италия зиёлиларининг кенг доиралари кескин норозилик билдирдилар.

Данило Дольчи тинчлик учун актив курашиб келмоқда. У, ҳарбий блокларга қарши, атом ва водород қуролини тақиқлаш учун, халқлар ўртасида дўстлик ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашмоқда.

Грац (Австрия) шаҳридаги университетда халқаро ва черков ҳуқуқлари профессори, энди халқаро Ленин тинчлик мукофоти лауреати Генрих Брандвайнернинг тинчликни ҳимоя қилиш ишида катта хизматлари бор. Кўп йиллардан бери у, Австриядаги тинчлик тарафдорлари ҳаракатига бошчилик қилиб келмоқда. 1950 йилда у, жаҳон Тинчлик Кенгашига аъзо бўлиб сайланди. Тинчлик тарафдорларининг кўпгина конгрессларида ва Жаҳон Тинчлик Кенгаши сессияларида Брандвайнер инсониятни тўлқинлантириб турган жуда актуал масалалар ҳақида гапирди. 1950 йилдаёқ Варшавада жаҳон тинчлик тарафдорлари иккинчи конгрессида Брандвайнер нутқ сўзлаб, атом қуролини халқаро ҳуқуққа мувофиқ тақиқланган қурол деб ҳисоблаш кераклигини кўрсатиб ўтди.

1952 йилда Брандвайнер Америка қўшинлари бактериология қуролини ишлатаётганликлари сабабли Халқаро демократ юристлар уюшмаси томонидан Кореяга ва Хитойга юборилган текшириш комиссиясига бошчилик қилди.

Реакцион доиралар Брандвайнернинг прогрессив фаолиятидан газабланиб, унга ҳужум қила бошладилар. Брандвайнер университетда дарс беришдан четлатилди. Бироқ, бу ҳужумлар тинчлик учун мардонавор курашаётган Брандвайнернинг иродасини бука олмади, жамоатчилик кенг доиралари уни қўллаб-қувватлади. Орадан бироз вақт ўтгач Брандвайнер яна профессор бўлиб тайинланди. Брандвайнер қуролсизланиш масалалари ҳақида, ядро қуроли синовларини тақиқлашни, халқаро низоли масалаларни тинч музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишни талаб қилиб кўп мақолалар ёзмоқда ва нутқлар сўзламоқда. У, халқаро ҳуқуқа доир кўпгина асарлар ёзди. Турли мамлакатлардаги кўп сонли тинчлик тарафдорлари орасида унинг номи ҳизматига яраша машҳурдир.

Ленин тинчлик мукофотлари берилиши катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Бу воқеа ҳозирги замоннинг энг қудратли ҳаракатларидан бири — тинчликни ҳимоя қилувчилар ҳаракати ҳамма мамлакатларга, ҳамма қитъаларга ёйилиб, кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатувчи жуда ёрқин далилдир. Бутун дунёдаги оддий кишилар ўзларининг қайси миллатга мансуб бўлишлари ва ўзларининг сиёсий қарашлари, диний эътиқодлари ва танларининг тусилан қатъий назар тинчликда яшашни истайдилар. Ер юзидаги катта ва кичик халқларнинг ҳаммаси тинч-тотув яшаб, маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни истайдилар, капиталистик мамлакатларда беҳисоб фойда олишга интилаётган очкўз монополист доиралар халқларни бир-бирини қириш йўлидаги курашга тортишга ҳар қанча уринсалар ҳам, жаҳоннинг ҳамма халқлари бир-бирларини қиришни сира истамайдилар.

Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Москвадаги кенгашларида қабул қилинган тарихий ҳужжатлар — Декларация ва Тинчлик манифести бутун ер юзидаги халқларни руҳлантирувчи улуғ воқеа бўлди, бутун дунёда тинчлик тарафдорлари ҳаракатини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Замонимизнинг бу жуда муҳим ҳужжатлари турли мамлакатлардаги миллион-миллион кишиларнинг онгига тобора сингиб бормоқда, уларда тинчлик иши келгусида узил-кесил ғалаба қозонишига зўр ишонч туғдирмоқда.

Ҳамма мамлакатларда кўп миллионлаб кишилар кучларини аямай, қийинчиликлардан қўрқмай, мана шу ғалабани рўёбга чиқариш йўлида сидқидил билан ишламоқдалар, булар орасида бугун халқаро Ленин Тинчлик мукофоти лауреати деган улуғ номга сазовор бўлган кишилар биринчи сафда бормоқдалар.

Тинчлик ишига ниҳоят даражада содиқ бўлган совет халқи лауреатларни қизғин ва астойдил қутлайди, уларга урушга қарши, ер юзидаги ҳамма одамларнинг бахт-саодати учун олиб бораётган олижаноб курашларида янги, катта муваффақиятлар тилайди.

ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИКЛАРИ

Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениеси номига жуда кўп Янги йил табрик телеграммалари келди.

Хитой-Совет дўстлиги жамиятининг марказий правлениеси чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти орқали янги, 1958 йил билан Ўзбекистон меҳнаткашларини самимий табриклади.

«Болгария-Совет дўстлиги умумиҳалқ комитети, — дейилади Софиядан олинган телеграммада, — сизларни янги, 1958 йил билан самимий табриклайди. Қадрдон дўстлар, қардош халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришдан иборат юксак олижаноб ишингизда ва бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган курашда янада муваффақиятлар эришувингизни тилаймиз. Раис Цола Драгойчева».

Албания ва Совет Иттифоқи дўстлиги жамияти бундай деб ёзади:

«Янги, 1958 йил муносабати билан сизларга қизғин қардошларча салом ва табрик юборамиз. Бу йил мамлакатингизда коммунизм қурилиши ишида янги ютуқлар ва халқларимиз ўртасидаги дўстликни ҳамда бутун дунёдаги барча эркасевар халқлар билан дўстликни янада мустаҳкамлаш йили бўлсин».

Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг правлениеси барча беш қитъадаги мамлакатлардан 43 тасига СССР билан дўстлик ва маданий алоқа қилиш жамиятлари номига янги йил табриклари юборди. (ЎзТАГ).

«Ўзбекхлопкомаш» заводининг коллективи 1958 йил планини муддатидан олдин бажариш учун ҳозирданоқ астойдил курашмоқда. **Суратда:** кундалик топшириқни 250 процентдан ошириб бажараётган новатор токарь **П. Шчекин** иш устида.

В. Салов фотоси.

КОЛХОЗ ҚИШЛОҒИ ОБОД БЎЛМОҚДА

Мирзачўл районидаги Хрущев номли колхоз қишлоғи асосан 1952 йилдан бошлаб обод бўла бошлади. Чунки ўша йили биринчи марта, янги ўзлаштирилган қўриқ ерларга пахта экила бошлади. Дастлабки йилларда ерлар жуда шўр бўлгани сабабли пахта ҳосили жуда паст бўлди. Колхозчилар қиш бўйи яхоб суви беришни тўхтатмадилар. Натижада ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Колхоз юқори пахта ҳосили олишга эришди.

Колхознинг даромади йилдан-йилга ортиб бораётганлиги туфайли қишлоқнинг ҳам қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Бу йил ободончиликка 280 минг сўм сарфланди. Етти йиллик мактаб ишга туширилди. Қишлоқ меҳнаткашларининг болалари озода ва шинам синфларда билим олиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек чўлда биринчи марта 2 қаватли бино—колхоз правлениеси биноси қад кўтарди, 100 бош мол сигадиган молхона қурилди, 40 дан ошиқ колхозчи якка тартибда ўзларига янги, шинам уй-жой қуриб олдилар.

Ҳосил ошгани сари, кўплаб қўриқ ерлар ўзлаштирилгани сари колхозчиларнинг даромади кўпаймоқда, улар тўқ ва фаровон ҳаёт кечирмоқдалар.

Р. ОТАХОНОВ, А. МАТКАРИМОВ.

Район маданият бўлимида

Верхне-волинск район ижроия комитетининг ташаббуси билан район маданият уйидаги айрим камчиликларни тугатиш, кутубхона ва клублар ишини янада жонлантириш мақсадида етти кишидан иборат совет тузилди. Совет аъзоларига маълум вазифалар бўлиб берилди. Район газетасининг редактори Р. Ғофуров, район ижроия комитетининг секретари Давлятов, ўқитувчи Икромов ўртоқларга лекция ишлари, киномеханик ўртоқ Саблинга кино ишлари, ўртоқ Сатторовга кутубхона, ўртоқ Ибрагимовга клуб ишлари бўйича раҳбарлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш вазифалари юклатилди.

Совет аъзолари ишни бошлаб юбордилар. Ўртоқ Сатторов раҳбарлигидаги кутубхона отоқли ёзувчи Садриддин Айнийнинг «Дохунда» романи юзасидан ўқувчилар конференцияси ўтказди. Ғофуров, Давлятов ўртоқлар аҳоли ўртасида халқаро аҳвол, Ернинг сунъий йўлдоши тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ундан ташқари маданият уйи деворига «савол беринг, жавоб берамиз» деган эълон ёпиштирилди. Меҳнаткашлардан тушган ёзма саволларга ҳар 15 кунда «жавоб бериш кечаси» ўтказилади. Бу саволжавоб кечасига район пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ Умаров ёрдам бермоқда.

Н. ИКРОМОВ.

Маданият хроникаси

БЕКОБОД район маданият бўлими кўчма агитмашинасининг киномеханиклари райондаги Навоий номли, Мичурин номли ва «Гулистон» колхозларида бўлиб, колхоз аъзоларига янги кинофильмлар кўрсатдилар.

Н. Шербеков.

* * *

КАЛИНИН районидаги Калинин қишлоқ советига қарашли кутубхонанинг китоб фонди тобора бойиб бормоқда, китобхонлар сони кун сайин ортаётир. Кутубхонага колхоз аъзолари ва МТС ишчи, хизматчилари ҳамда мактаб ўқувчилари тез-тез келиб турадилар. Ўқув залидаги янги журнал, газеталар билан танишадилар, Октябрь 40 йиллигига атаб ташкил этилган китоб виставкаси ва стендларини тамоша қиладилар.

Т. Раҳимов.

* * *

ОҲАНГАРОН шаҳридаги 10-ўрта мактабни ўз оталигига олган кон устини очиш разрезининг коллективи политехника таълимини яхшилаш мақсадида мактабга дурадгорлик, слесарлик ва токарлик устахоналари қуриб берди. Устахоналар керакли асбоб-ускуна билан таъминланди.

А. Кўкиев.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Янги имкониятларни ишга солайлик

Тошкент тўқимачилик комбинати партия конференциясидан

Тошкент тўқимачилик комбинатида яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов партия конференцияси партия комитетининг янгидан сайланган состави олдига бир қатор жиддий вазифаларни қўйди.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган партия комитетининг секретари Сергеева ва музокараларда чиқиб сўзлаган ўртоқлар комбинат коллективи ички резервларни аниқлаш ва ишга солиш соҳасида бир мунча ишлар қилганлигини қайд қилиб кўрсатдилар. Биринчи йигирув фабрикасида иш унуми юқори бўлган янги машиналар монтаж қилинмоқда, биринчи тўқув фабрикасида 700 та янги маркали тез ишловчи автомат станоклар ўрнатилди ва фойдаланишга топширилди. Комбинатда мавжуд ускуналарни модернизациялашга катта эътибор берилди.

Комбинат фабрикаларида техника ўқуви кенг йўлга қўйилди. Минглаб ишчилар илғорларнинг тажрибасини ўргандилар ва натижада меҳнат унумдорлиги бирмунча оширилди.

Партия ташкилоти КПСС XX съезди ва партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, партиявий-сиёсий ишни хўжалик вазифалари билан мувофиқлаштириб олиб боришга ҳаракат қилди.

Бу ўқув йилида комбинатда партия маорифи шохобчалари бирмунча кенгайтирилди, лекция пропагандасининг кўлами кенгайтирилди. Фабрикалардаги кўпгина партия группалари ўз фаолиятларини бирмунча кучайтирдилар. Улар ишлаб чиқаришга таллўқли муҳим масалаларни тез-тез муҳокама қилиб турадилар, ишлаб чиқаришга тобора чуқур аралашмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси яхши натижа бермоқда. Комбинат 1957 йил планини муддатидан олдин—19 декабрда бажарди. Пландагидан ташқари 23 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Шу билан бир қаторда конференция делегатларининг кўрсатишича кўпчилик муҳим масалалар етарли ҳал қилинмади.

Е. Андрианова, Кузьменко, Э. Витол ўртоқлар идеология ишидаги бир қатор камчиликларни очиб ташладилар. Уларнинг кўрсатишича, конкрет экономикани ўрганиш тўғаракларининг пропагандистларига етарли раҳбарлик қилинмаётир.

Ўртоқ С. Йўлдошев комбинатда маҳаллий миллат кадрлари билан ишлаш қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатди. Ишчилар тез-тез бир участкадан иккинчи участкага кўчириб турилади. Натижада улар ишлаб чиқаришдан кетиб қоладилар. Шунинг учун ҳам ҳозиргача комбинатда кўп сонли маҳаллий миллат кадрлари вужудга келтириш вазифаси ҳал қилингани йўқ.

Делегатлардан Дудаков, Костин ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларини мавжуд ишлаб чиқариш резервларидан тўла фойдаланиш масаласига бағишладилар.

— Биринчи тўқиш фабрикасида, — деди ўртоқ Дудаков, — ишга туширилган 600 та янги тез ишловчи станокларнинг ишлаш тезлиги ҳали проектда кўрсатилган даражага етгани йўқ. Бунинг сабаби шундаки, ана шу станокларга керакли запас қисмлар етишмайди. Биз олаётган ёрдамчи материалларнинг сифати ёмон ва у ускуналарнинг қувватидан тўла фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

Конференцияда ўтган йили комбинатда ихтирочилар ва рационализаторларнинг ишига эътибор бирмунча сусайтириб юборилганлиги кўрсатилди.

Комбинатда оғир иш процессларини ва ёрдамчи ишларни механизациялаштиришга кам эътибор берилмоқда. Бу масалага рационализаторларнинг диққати етарли жалб этилмаётир.

Конференцияда Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети ва бошқа ташкилотларнинг адресига жиддий танқидий мулоҳазалар баён қилинди.

Комбинат касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Аҳмаджонов бундай деди:

— КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми касаба союз ташкилотларидан ўз фаолиятларини кучайтиришни талаб қилди. Комбинат касаба союз комитети ўз олдига қўйилган талаблар даражасида ишламаётир. Мусобқага раҳбарлик қилишда юзакичиликка йўл қўйилмоқда. Биз бу камчиликларга барҳам беришимиз керак. Биз уйжой ва болалар муассасалари қурилиши юзасидан коллектив шартномаларнинг бажарилишига эришишимиз керак. Бу соҳада бизга шаҳар Советининг ижроия комитети, шаҳар партия комитети ва бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Ўртоқ А. Муҳамедов комбинат ҳузуридаги қурилиш-монтаж бошқармаси тугатилиб, барча қурилиш техникаси, шунингдек кўп миқдордаги маблағ шаҳар қурилиш трести ихтиёрига берилгани ҳолда, комбинат ўтган йили фақат 852 квадрат метр уй-жой биноси олганлигини кўрсатди. Бу уй-жойга бўлган эҳтиёжни сира ҳам қондирмайди.

Комбинатда 12 мингдан ортиқ хотин-қизлар ишлайди ва шу сабабли болалар муассасаларига бўлган эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Аммо шаҳар қурилиш трести болалар муассасалари учун бинолар қуришга киришмаётир.

Юзлаб тўқувчилар ўз кучлари билан уй-жой бинолари қуришни ҳоҳлаганликларини билдирмоқдалар. Лекин шаҳар Совети ижроия комитети якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ҳам, горькийликлар методи асосида коллектив бўлиб уй-жой қурувчилар учун ҳам ер участкалари ажратиб беришни тезлатмаётир.

Конференцияда шаҳар ташкилотлари олдига шаҳар транспортининг ишини яхшилаш ҳақида жиддий талаб қўйилди. Комбинат ишчиларидан жуда кўпчилиги шаҳарнинг турли бурчакларида яшайди ва шаҳар транспорти яхши ишламаётганлиги сабабли улар ишга ўз вақтида етиб келишда қийналмоқдалар. Тўқувчилар ишга тушадиган вақтда трамвай ва троллейбуслар эндигина парклардан чиқарила бошлайди. Шаҳар транспортининг ҳаракат графигини ўзгартириш масаласи бир неча марта кўтарилди. Аммо бундан бирон тузук натижа чиқмади.

Конференция партия комитетининг янгидан сайланган состави олдига партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишларни янада яхшилашга эришиш, коллективни ишлаб чиқаришдаги барча резервлардан фойдаланиш учун курашга кенг сафарбар этиш, маъмурият билан биргаликда горькийликларнинг методи асосида уй-жой қурилишини қизитиб юбориш имкониятларини қидириб топиш вазифаларини қўйди.

И. МАРГОНИН.

Тошкент Халқ хўжалик кенгашида

Яқинда Тошкент Совнархозининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Тошкент иқтисодий райони саноат корхоналарида техника хавфсизлигининг ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларининг қандай аҳволда эканлиги муҳокама қилинди.

Корхоналарда техника хавфсизлигини ва меҳнатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш тадбирлари учун 1957 йилда 13,5 миллион сўм пул ажратилган эди. Корхона коллективлари бу маблағни деярлик тўла ўзлаштирдилар. Завод, фабрикаларда тузилган коллектив шартномаларни изчиллик билан амалга ошириш натижасида ишчи ва хизматчиларга катта қулайликлар туғдирадиган кўпгина муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бироқ, бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиш керак. Шу сабабли Совнархоз 1958 йилда саноат корхоналарида техника хавфсизлигини ва меҳнатни муҳофаза қилишни кескин даражада яхшилаш мақсадида бу ишларга ажратиладиган маблағни 1957 йилдагига қараганда анча кўпайтирди.

Кенгаш корхона раҳбарлари зиммасига касаба союз ташкилотлари билан келишиб, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўриладиган тадбирлар планини ишлаб чиқиш вазифасини юклади. Бу планда амалга ошириладиган тадбирлар, уларнинг қачон ва ким томонидан бажарилиши аниқ кўрсатилади. Жумладан, бошқа мақсадларда фойдаланилаётган санитария-маиший хизмат биноларини бўшатишнинг конкрет муддатларини кўрсатиш талаб қилинди.

Шунингдек, Кенгаш «Чирчиксельмаш» заводида электроллар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган цех ташкил этиш юзасидан қилинаётган ишларни ҳам муҳокама қилди. Бу цехни ташкил этиш ва ишга тушириш натижасида Тошкент иқтисодий райони корхоналарининг электродларга нисбатан ўсиб бораётган талаблари тўла қондирилади. Мана шунинг учун бу ишни тезлаштириш жуда муҳимдир. Кенгаш қатнашчилари электрод цехини қуриш, зарур ускуналарни монтаж қилиш ва цехни фойдаланишга топшириш графикларини белгилаб бердилар.

Тошкент пахта тозалаш заводи раҳбарлари ўтган йил 27 ноябрда Совнархозининг пахта тозалаш-қуритиш цехлари ишини яхшилаш тўғрисида чиқарган қарорининг бажарил

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Маданий-оқартув ишларини кенг ёритишга аҳамият берилсин

Сўнгги вақтда партия ташкилотларимиз маданий-оқартув муассасаларининг ишига раҳбарлик қилишни ҳартарафлама кучайтирдилар. Шу сабабли ҳам кўпгина клуб, кутубхоналаримиз шу куннинг талабига жавоб берадиган даражада ишламоқда. Уларнинг омма билан алоқаси анча мустаҳкамланди. Қишлоқ меҳнаткашларига кинофильмлар кўрсатишда катта ишлар қилинди. Жуда кўп колхоз қишлоқлари радиолаштирилди. Маданий-оқартув ишларини тўхтовсиз равишда яхшилаб боришда, уни оммага янада яқинлаштиришда матбуотимизнинг роли гоят каттадир.

Лекин областимиздаги айрим район газеталари қишлоқлардаги маданий-оқартув муассасаларининг ишларини ўз саҳифаларида дуруст ёритмаётирлар. Бундай газеталар қишлоқларда ишлаётган юзлаб маданият ходимларининг иш фаолиятларига тўғри баҳо беришни унутиб қўймоқдалар. Бунга Мирзачўл район **«Колхоз меҳнати»** газета редакциясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

«Колхоз меҳнати» газетасининг ўтган йилги чиққан сонларини кўздан кечирган киши редакция ходимларининг бу соҳада айниқса қониқарсиз ишлаганликларини дарҳол пайқаб олади. Газетада маданий-оқартув ишларининг аҳволига доир эсда қоларли, таъсирли ва ибрат бўларли материал бирон марта ҳам босилмади. Ўтган йилнинг 8 ойи давомида газетада радио, кутубхона, клубларнинг ишига доир бор-йўғи 12 материал босилди, холос. Буларнинг деярлик ҳаммаси ҳам кичик информациялардан иборат бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз Мирзачўлда маданий-оқартув муассасаларини кенгайтиришга ва уларнинг аҳолига маданий хизмат кўрсатишини яхшилашга йилдан-йилга кўпроқ эътибор бермоқда. Газетанинг таъкидлашича, 1951 йили Мирзачўл шаҳрида битта, районнинг колхоз ва МТСларида бор-йўғи учта клуб бор эди. Ҳозир эса буларнинг сони 19 га етди. Шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб кутубхона, ўқишхона бор. Буларнинг кўпи яхши ишламоқда.

Золотая Орда қишлоғидаги кутубхона ана шулар жумласидандир. Ўн йилдан бери кутубхонага мудирлик қилаётган Ўртоқ Ваҳобов далачилик, чорвачилик бригадаларида кўчма кутубхоналар ташкил қилишда мақташга арзийдиган ишлар қилди. Кутубхона ходимлари аҳоли ўртасида китоб, газета ва журналларни кенг пропаганда қилмоқдалар. Ҳозир кутубхона аъзоларининг сони 300 кишига етди. Кечқурунлари кутубхонага ишчилар, колхозчилар келиб, газета ва журналлар ўқийдилар. Кутубхонанинг 10 га яқин активи бор.

Демак, редакция конкрет фактлар асосида бу соҳадаги ютуқларни кенг ёйиши мумкин эди. Афсўски, шундай қилинмаётир. Редакция ходимлари маданият ходимлари билан яқиндан алоқа боғламаганликлари сабабли бу масалани ёритишни унутиб қўймоқдалар. Айрим ҳоллларда газета бу соҳадаги камчиликларни юзаки танқид қилиш билан кифояланиб қолянти. Газетада «Қизил юлдуз» колхозининг аъзоларидан бир группаси колхоз клуби ҳақида бундай деб ёзган эди:

«Қизил юлдуз» колхозида бундан бир неча йил илгари кичик бир клуб қурилган эди. Бироқ бу бино клуб эмас, хўжалик омборига айлантирилиб юборилди. Бу ҳаммага маълум. Кўп гап бўлди. Лекин бино ҳеч клуб бўлмади. Кунжарадан бўшатилса, лавлаги билан тўлдирилди. Шундай қилиб «клуб» номини олган бу бино эшиги қурилгандан бери «қулф»дан бўшамади.

Колхозда клубнинг йўқлигидан биз колхозчилар қиш бўйи кино кўрмадик. Бунинг устига библиотека ҳам йўқ».

Шундан бери 10 ойдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин газета ўз материалининг натижаси учун курашмади ва бу ҳақда бошқа ҳеч нарса босиб чиқармади. Клуб ҳамон қаровсиз ҳолда ётибди. Кутубхона ишламайди, колхозчиларга кинофильмлар кўрсатиб турилмайди.

Газета маданий-оқартув ташкилотларининг ишини яхши ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшмаётир. У, жойлардан келаётган танқидий материалларни босиб чиқарса ҳам, уларнинг натижаси учун курашишни унутиб қўймоқда. Бундан 8 ой аввал босилган «Ҳамон радио ишламайди», «Радио узелимизга қачон «жон» киради», «Колхоз клуби нега ишламаётир», «Нурсиз электр, овозсиз радио» сарлавҳали материалларнинг тақдири билан ҳам ҳалигача ҳеч ким қизиққани йўқ.

Маданият уйи ва район кутубхонасининг колхоз клуб ва кутубхоналарига амалий ёрдами, аҳолига кино хизмати кўрсатишга доир материаллар газета саҳифаларида кўринмай кетди. Клуб, кутубхона мудирларининг мақолалари эса тез-тез ўюштириб турилмаётир. Газета меҳнаткашлар ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият район бўлимининг фаолиятига доир материалларни аҳён-аҳёнда босиш билан кифояланиб қолди.

1957 йилнинг апрелида Мирзачўл шаҳар ва район ёшларининг фестивали бўлиб ўтди. Бунда ёш талантлар ўзларининг ижодий кучларига якун ясадидар. Фестиваль қатнашчиларининг концерти тамошабинларда катта таассурот қолдирди. «Октябрь» колхози, пахта тозалаш заводи, 1, 2, 13, 14-мактабларнинг ҳаваскорлар коллективи республика ёшларининг фестивалида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Уларнинг бир қисми тақдирландилар. Газета бу ҳақда ўз ўқувчиларига хабар қилиш билан қаноатланди. Газетанинг май ойи сонларидан бирида районлараро колхоз-совхоз театри ижодий коллективи драматург К. Яшиннинг «Нурхон» асарини тез кунда тамошабинларга кўрсатажагини айтган эди. Шу-шу бўлди-ю, редакция бу темага бошқа қайтмади.

Маданий-оқартув муассасаларининг ишини бундай юзаки ёритишга чек қўйиш лозим. «Колхоз меҳнати» газетаси редакциясининг ходимлари клуб, кутубхона, кино ва бошқа маданий-оқартув муассасаларининг оммага маданий хизмат кўрсатишидаги ютуқларини қўллаб-қувватлаб, бу соҳадаги камчиликларни рўйрост очиб ташламоги ва уни тузатишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоғи керак. Бу, газета редакциясининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Районлар	Шудгорлаш	Беш кунлик ўсиш
Оққўрғон	84,6	9,2
Боёвут	73,0	11,5
Бекобод	49,6	16,0
Бўстонлиқ	64,5	4,3
Бўка	56,2	10,7
Верхне-волинск	37,2	11,3
Юқори Чирчиқ	90,2	3,8
Гулистон	50,0	7,6
Калинин	70,9	1,8
Қорасув	101,0	—
Мирзачўл	46,7	12,3
Қуйи Чирчиқ	94,5	0,2
Октябрь	30,1	5,8
Оржоникидзе	100,4	7,9
Паркент	27,7	—
Пискент	65,8	8,5
Ўрта Чирчиқ	46,3	13,6
Сирдарё	40,1	12,3
Тошкент	79,8	1,7
Ўртасарой	74,8	12,3
Чиноз	34,3	8,2
Янгийўл	41,2	12,7

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Совхозлар	Шудгорлаш	Беш кунлик ўсиш
1-«Далварзин»	39,2	12,1
2-«Далварзин»	42,5	15,6
1-«Боёвут»	48,4	10,9
3-«Боёвут»	58,8	22,6
«Социализм»	61,7	11,4
Булганин номли	44,3	16,1
«Дружба»	33,7	9,7
«Фарҳод»	85,0	5,5
«ЎзССР беш йиллиги»	102,8	9,5
«Оққўрғон»	85,4	14,4
«Малик»	49,1	14,4
4-«Вревский»	87,8	1,3
6-«Кўкорол»	87,8	14,8
7-«Кўкорол»	76,5	—
Бушуев номли	31,7	4,2
Паррандачилик совхози	61,0	—
Бўзсув	87,5	2,2
Тошкент наслдор моллар совхози	48,0	4,2
«Мирзачўл»	51,2	36,7
«Гулистон»	55,0	—
1-«Оҳангарон»	80,0	30,0
2-«Оҳангарон»	32,7	4,1
«Ховос»	98,5	6,2
«Пискент»	53,8	8,8
«Назарбек»	62,1	1,9
Киров номли	92,6	21,2
«Чаноқ»	41,1	1,8

АҲОЛИ ЖОН БОШИГА СУТ, ГЎШТ, ЁҒ ЕТИШТИРИШ СОҲАСИДА ЯҚИН ЙИЛЛАРДА АҚШГА ЕТИБ ОЛАЙЛИК!

Свердлов номли колхоз чорвадорларининг муваффақияти

Социалистик мажбурият олдингми —уни шараф билан бажар! Ана шу шартга яраша иш қилаётган колхозлар, совхозлар, МТСларнинг коллективлари пахта, картошка ва сабзавот, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирмоқдалар, чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини оширишга эришмоқдалар.

Шу йилнинг бошида Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз чорвадорлари, сабзавотчилари ва боғбонлари мамлакатга кўплаб чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериб деҳқончилик экинларидан олинадиган ҳосилни ошириш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбурият олган эдилар. Шунда улар фойдаланиладиган ҳар юз гектар ер ҳисобидан 100 центнердан гўшт, 320 центнердан сут етиштиришга қарор қилган эдилар. Колхоздаги ҳар бир киши олинган ана шу мажбуриятни шараф билан бажариш партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштиришда Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги кўрсатмасини адо этишга муносиб жавоб бўлажагини тўла ҳис қилган ҳолда ғайрат билан ишлади. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти хўжаликни комплекс ривожлантириш, бу соҳадаги ишларнинг намунали ўтказилишига эришиш юзасидан зарур бўлган барча тадбирларни тўла амалга оширди.

1957 қишлоқ хўжалик йили якунланаётган шу кунларда Свердлов номли колхоз чорвадорлари ва сабзавотчилари ўз зиммаларига йил бошида олган социалистик мажбуриятнинг ошириб бажарилгани тўғрисида рапорт бердилар. 25 декабргача ҳар юз гектар ер ҳисобидан **101,3 центнердан — 1956 йилга қараганда 2,8 марта кўп гўшт етиштирилди . 100 гектар ҳисобидан етиштирилган гўштнинг 61,3 центнери, 1956 йилга қараганда 5,3 марта кўп қисми чўчқа гўшти ҳисобланади. Ғаллакор ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобидан 29 центнердан товуқ гўшти олинди, бу рақам 1956 йилга нисбатан 9 марта кўпдир.**

Колхоз чорвадорлари сут етиштиришда ҳам катта ютуқларга эришдилар. **Ҳар юз гектар ер ҳисобидан мўлжалдаги 320 центнер ўрнига 347,1 центнердан сут етиштирилди.** Бу, 1956 йилдагига қараганда икки марта кўпдир. 1956 йилдагига нисбатан ҳар бир сигирдан 1154 литрдан кўп—3600 литрдан сут соғиб олинди.

Колхозда чорва қишловини намунали ўтказиш, қиш кунларида ҳам чорвачилик маҳсулотларини тинмай кўпайтириш учун зарур тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди, бу шу кунларда ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Колхоз мингта чўчқа сигадиган 3 та чўчқахона, 120 сигир учун сигирхона қуриб битказди. 10 мингта товуқ ва жўжа сигадиган биноларни ўз вақтида қуриб битказди.

Шу нарса кувонарлики, колхозда чорвачилик биноларидаги ҳамма ишлар тўла механизациялаштирилган. Шу туфайли чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун оз меҳнат сарфланмоқда ва чорвачилик маҳсулотларининг таннархи тобора камайиб бормоқда.

Колхозда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан тузилган планни ошириб бажариш йўлида астойдил иш қилинмоқда. Шунинг учун ҳам моллар сони 1956 йилга нисбатан кескин кўпайди. Ҳозир колхоз фермаларида 1956 йилга қараганда 45 процент кўп қорамол боқилмоқда. Соғин сигирлар сони 62 процентга, чўчқалар 50 процентга кўпайтирилди.

Свердлов номли колхоз аъзолари картошка ва сабзавот, полиз экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар ердан 580 центнердан карам, 333 центнердан помидор, 800 центнердан хашаки лавлаги олинди. Маккажўхорининг ҳар гектаридан кўкпоя ҳолида (силос учун) 480 центнердан, дон учун 32 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Шунинг натижасида ҳар бир мол учун 12 тоннадан юқори сифатли силос тайёрланди.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, **1958 йилда фойдаланиладиган ҳар юз гектар ҳисобига 410 центнердан сут, 120 центнердан гўшт етиштириш, 100 гектар ҳисобига 100 центнердан чўчқа гўшти етиштириш мажбуриятини олдилар.** Чорвадорлар ва сабзавотчилар шу кунларда астойдил меҳнат қилиб, чорва қишловини намунали ўтказиш, молларнинг қишдан соғлом ва семиз бўлиб чиқишини таъминлаш учун астойдил курашмоқдалар.

— Биз, — дейди колхоз раиси Ўртоқ М. Исмоилов, — 1958 йил учун олинган социалистик мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажарамиз. КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ Ҳукуматининг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш юзасидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш юзасидан кўрсатган топшириқларини муваффақиятли адо этамиз.

Чўчқачилик ривожланмоқда

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхоз чорвадорлари сўнгги йилларда чўчқачилик билан чинакамига шуғуллана бошладилар 1956 йилда колхозда бор-йўғи 29 бош чўчқа бор эди. Бултур 11 бош она чўчқадан 81 бош чўчқа боласи олинди. Боқишга қўйилган чўчқалар яхши семиртирилди. Натижада давлатга 6,5 тонна аъло сифатли чўчқа гўшти топширилди.

— Агар мол гўшти топширилганда, — дейди бош чўчқабоқар А. Бизахов, — 6,5 тонна чўчқа гўшти ўрнига камида 9 тонна мол гўшти топшириш керак бўларди. Шуниси ҳам борки, қорамол 2—3 йилда кўп гўшт бера олмайди. Бу жиҳатдан чўчқа катта афзалликларга эга.

И. СОЛИЕВ.

Ҳаваскорлар киностудияси

Чироқ ўчади. Экранда «Чирчиқ ҳаваскорлар киностудияси» деган ёзув пайдо бўлади. Сўнг бирин-кетин ана шу ҳаваскорларнинг иши ва фамилияларини билдирувчи титрлар ўта бошлайди. Булар орасида биринчи суратдаги ўртоқларнинг фамилиялари бор. Биринчи суратдаги биринчи қаторда ўтирганлар (чапдан) киномеханик Александр Калю, «Социалистический Чирчик» шаҳар газетасининг ходими Владимир Скородумов, Навоий номли кинотеатрнинг рассоми Александр Кривой, кинотеатр директори Дмитрий Хажиян, иккинчи қаторда (чапдан) фотограф Иван Мальцев, киномеханик Воит Байрамов ўртоқлар ана шу шаҳар хроникаси ҳужжатли фильмини яратган ҳаваскорлардир. Чирчиқликлар бу ҳаваскор ҳамшаҳарлари томонидан суратга олинган биринчи фильмни зўр иштиёқ билан тамоша қиладилар. Шаҳар ижроия комитетида

гражданлар уруши ветеранлари билан бўлган учрашув, саноат марказида қад кўтараётган уй-жой биноларининг қурилишлари, химиклар қиаларни ҳикоя қилувчи кадрлар чирчиқликларни жуда мамнун қилди.

Ҳаваскорлар киностудияси яқинда ташкил этилди. Буни ташкил этишда киномеханик Воит Байрамов ташаббускор бўлди. Унинг таклифини шаҳар Совети маданият бўлимининг ходимлари қўллаб-қувватладилар. Бошқа ҳаваскорлар ҳам топилди. Ҳаваскорларга киноаппаратура, кинопленка, химикат ва бошқа материаллар олиб берилди. Улар ҳужжатли кинофильм тайёрлашга киришдилар. Бу фильмнинг номи «Биз яшаётган шаҳар» деб аталади. Фильмнинг сценарийсини Владимир Скородумов ёзган. Бу фильм Чирчиқ шаҳрининг 25 йиллигига муносиб совға бўлади.

Сиз иккинчи суратда ҳаваскор операторлардан Иван Мальцев ва Александр Калю ўртоқларнинг шаҳардаги янги биноларни суратга олаётганликларини кўрасиз. Кейинги учинчи суратда эса олинган кадр-

Маданият саройи, «Химик» кўнгилли спорт жамияти командаси билан Хитой Халқ Республикаси терма командаси ўртасидаги ўртоқлик матчи ва шаҳар пионерлар уйининг 20 йиллиги байрами сингари воллар овозли қилинмоқда. Чапда диктор Александр Кривой. Воит Байрамов билан Дмитрий Хажиян эса овозни ёзиб олмоқдалар.

Р. Шамсуддинов фотолари.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Мутахассис кадрлар тайёрлаш ишини янада яхшилайлик

КПСС XX съездининг тарихий қарорларида олий ўқув юртларида мутахассис кадрлар тайёрлаш савиясини янада кўтариш зарурлиги алоҳида уктириб ўтилган. Бизнинг мамлакатимизда партия ва ҳукуматимизнинг доим кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли олий ва ўрта маълумотга эга бўлган кадрлар тайёрлаш соҳасида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Ўтган 40 йил мобайнида Совет Иттифоқи юқори малакали, ўрта ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш жиҳатидан Американи қувиб ўтиб, жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Энди асосий вазифа мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини янада кўтаришга қаратилмоғи лозим. Партия ва ҳукуматимиз Олий таълим министрлиги ва олий ўқув юртлари олдига ана шу муҳим вазифани қўймоқдалар.

Шу мақсадда СССР Олий таълим министрлиги томонидан мутахассис кадрлар тайёрлаш ишларини яхшилаш масалалари ишлаб чиқилди ва ВЎЗларга махсус хат юборилди. Мазкур хатда олий ўқув юртлари раҳбарларининг таълим-тарбия процессида ташаббус кўрсатиб ишларига кенг йўл кўрсатилган. Бу хатда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш мутахассислар тайёрлаш соҳасида яхши натижаларни бермоқда. Ана шу кўрсатмага амал қилган Ўрта Осиё Политехника институти маъмурияти ўтган ўқув йилида бирмунча ютуқларни қўлга киритди. Бу янги тартибга ўтиб ишлаш натижасида мутахассислар тайёрлашнинг бир қатор эскиган услубларига барҳам берилди. Жумладан, институтнинг энергетика факультети ўқитувчилари коллективи министрлик хатига асосланган ҳолда, факультет ўқув планини қайта кўриб чиқди ва таълим-тарбия ишларини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширишга киришди. Факультетда янги ўқув плани тузилди. Бунда Олий таълим министрлиги тасдиқлаган план ва ўқиш тартиби сақлаб қолинди. Шу билан бирга мазкур янги планга айрим ўзгартишлар ҳам киритилди. Айниқса асосий фанларнинг характерига қараб уларнинг дарс соатлари узайтирилди. Бу эса бўлажак энергетикларнинг ўз соҳаларини пухта ва чуқур эгаллаб олишлари учун катта имкониятлар очиб беради.

Лекин ҳамма факультетлар ҳам ўз ишларини ва планларини СССР Олий таълим министрлигининг хати асосида қайта кўриб чиққанлар деб бўлмайди. Ҳали ҳам айрим факультетларда эски план асосида иш олиб борилаётир. Бунга қуриляш факультетини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу факультет коллективи мутахассислар тайёрлаш савиясини кўтариш тўғрисидаги бу кунги талабларга риоя қилмай келмоқдалар. Факультет деканати, партия бюроси бу масаланинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳали ҳам тушуниб етганлари йўқ. Улар ҳамон эски услубда ишлашда давом этиб келмоқдалар. Бу факультет раҳбарлари мутахассислар тайёрлашнинг прогрессив усулига ўтмаётирлар. Шу билан бирга айрим факультетлар янги план асосида таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш учун ҳамма чораларни кўрмаётирлар.

Мутахассис кадрларнинг ўз касбларини пухта эгаллаган пишиқ ва пухта кишилар бўлиб чиқишлари учун уларнинг ўз устларида мустақил ишлашлари жуда муҳим роль ўйнайди. Бу соҳада институт ўқитувчилар ва профессорлари коллективи муҳим ишларни қилмоқда. Ҳар бир студентнинг ўз касбига бўлган қизиқишини кучайтириш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш ва билимга интилишларини кучайтириш юзасидан кўпгина ишлар қилинмоқда. Институтда ишлаб турган студентларнинг илмий жамияти ва ҳар йили ўтказиладиган илмий конференциялар студентларнинг ҳар тарафлама кенг билимга эга бўлишларини ва ўз устларида қунт билан ишлашларини таъминлайдиган муҳим омиллардандир. Институтда бўлажак инженерлар фан ва техника янгиликлари тўғрисида кенг маълумотлар олиб турадилар. Тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилар ўз лекцияларини янги ҳаётий фактлар билан бойитиб борадилар. Бу тадбирлар студентларнинг фан асосларини чуқур эгаллаб боришлари учун муҳим роль ўйнайди, албатта. Бироқ айни вақтда студентларнинг ўз устларида қунт ва сабот билан мустақил равишда ишлашлари ҳам талаб этилади. Турли китоблар (фақат дарсликлар эмас, албатта), проектлар устида мустақил иш олиб бориш, лабораторияларда турли тажрибалар ўтказиб туриш, бирор илмий иш устида доимо шуғулланиш ҳар бир студентнинг келгусида ҳар тарафлама ва чуқур билимли мутахассис бўлиб етишиши учун қулай замин ҳозирлайди. Лекин шунга иқрор бўлиш керакки, ҳали институтимизда студентларнинг мустақил иш олиб боришлари учун ҳамма шароитлар яратилган эмас, уларнинг фаолиятларини бошқариб туриш йўлга қўйилмаган. Ҳамон айрим ўқитувчилар студентларга ўрта мактаб методологияси асосида дарс бериб келмоқдалар.

Студентларнинг мустақил иш олиб боришларини яхшилашга тўсқинлик қилаётган ғовларнинг бири зарур адабиётларнинг етишмаётганлигидир. Ҳозир бизда асосий фанларга оид адабиётлар жуда кам нусхада. Шу сабабли студентлар курс ва диплом ишлари ёзганда турли справочник ва каталогларнигина ўқиш билан чегараланадилар. Бирор тема атрофида босилиб чиққан жуда кўп асарлар билан танишиш имкониятига эга эмаслар. Масалан, институтда қурилиш ишларини баҳолаш ва нормалаш ҳақидаги справочник биттаю-битта бўлиб, ундан студентларнинг ҳаммаси фойдалана олмайди, албатта. Техника ахборотн бюллетенлари ҳам жуда кам нусхада бўлади. Ҳозир институт кутубхонасида бундай бюллетенлар 5-6 нусхадан ошмайди. Шунинг учун ҳам кўпгина студентлар бу «нодир» бюллетендан нусха кўчириб олишга жуда кўп вақтларини сарфлашга мажбур бўлмоқдалар.

Шунингдек институт педагоглари учун чиқарилган айрим дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам етишмайди. Олий ўқув юртларида бундан бир неча йил муқаддам турли қўлланмалар, лекция конспектлари ва айрим дарсликка оид қўлёзмалар босиб чиқарилар ва кўп нусхада тарқатилиб турилади. Лекин нима учундир кейинги пайтда бу яхши традиция унутилиб кетди. Ҳозир фақат Олий таълим министрлигининг закази бўйича у ёки бу авторнинг, шунингдек авторлар коллективининг дарсликлари тайёрланади ва шундан сўнггина улар кўп нусхада нашр эттирилади. Студентлар учун жуда зарур бўлган айрим дарсликлар узоқ вақтдан бери қайта нашр қилинмайди. Масалан, Б. Н. Некрасовнинг «Умумий химия курси» дарслигини олайлик. Бу дарсликнинг биринчи нашри 1934 йилда, саккизинчи нашри эса 1948 йилда босилди. Лекин бу дарслик бундан бир неча йил бурун эскириб, ҳозирги замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунга қарамай оддий справочник даражасига тушиб қолган ана шу китоб ҳозирги кунда олий ўқув юртларида асосий дарслик сифатида студентларга тақдим этиб келинаётир. Мазкур дарсликда химия фанининг кейинги йилларда қўлга киритган ютуқлари ва ундаги катта ўзгаришлар ўз ифодасини топган эмас. Бундай дарсликлар анчагина.

Бу ҳол олимларимиздан замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзиб беришни талаб этади. Институтимиз илмий советида ана шу масала кенг муҳокама қилинди. Дарслик ва қўлланмаларнинг камлиги, уларнинг ўз вақтида нашр этилмаётганлиги, кўпчилик дарсликларнинг ҳозирги замон талабларига жавоб беролмаётганлиги хусусан маҳаллий миллат студентлари учун катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Чунки улар асосий ихтисосларни она тилларида ўрганиш имкониятига эга бўлмаётирлар. Ўқитувчиларимиз ана шу муҳим масалага жуда кам эътибор берадилар. Ўз фанларига доир дарсликлар ёзиш ёки рус тилида нашр этилган дарсликларни ўзбек тилига таржима қилиш ишлари билан кам шуғулланадилар. Улар бундан қочиб «Дарсликларни босиб чиқариш учун босмахона базаси йўқ» деган баҳонани рўкач қиладилар. Бу масалада республика нашриётлари ҳам ташаббус кўрсатиб ишламаётирлар.

Бизнинг фикримизча инженерларни тайёрлашдаги асосий нуқсонлардан яна бири студентларда ишлаб чиқариш кўникмаларини ҳосил қилиш, ишлаб чиқариш малакаларини ошириш ишига жуда катта ёрдам берадиган амалий машғулотларга кам эътибор берилаётганлигидир. Маълумки, ҳар йили студентлар ёзги каникулга чиқадилар. Шу каникул кунлари ҳисобидан ишлаб чиқариш практикаси муддатини узайтириш мақсадга мувофиқдир. Айтайлик, бу каникулдан тўрт ҳафтасини студентларнинг практик машғулотларига қўшиб берилса яхшироқ бўларди. Бундай қилинганда улар ўз ихтисослари бўйича оладиган ишлаб чиқариш тажрибаси ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаган бўлур эдилар. Бу ҳол студентларнинг яхши мутахассис бўлиб етишишларида катта роль ўйнайди, мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини кўтаришда катта ёрдам беради.

Бу эса ёш мутахассисларнинг институтни тугатганларидан сўнг бирор корхона ёки қурилишга борий тўппа-тўғри ишлаб кета олишлари учун қулайлик туғдиради. Шунда ёш мутахассис учун белгиланадиган бир ойлик синов муддатини ҳам бекор қилиш мумкин бўлур эди.

Ҳозирги традицияга кўра институтни тугатган ёш мутахассислар 1,5-2 ой олдин ишга тақсимланадилар. Бизнингча бу тартибни ҳам ўзгартириш лозим. Студентларнинг дипломолди практикасини улар ишга юборилдиган корхоналарда ўтказишни уюштириш уларнинг меҳнат кўникмаларини ва малакаларини янада оширишга ёрдам беради, ҳар бир мутахассисининг ўша корхона билан алоқасини янада мустаҳкамлайди. Бунда, биринчидан, диплом проектининг темаси ўша корхона билан келишилган ва унда корхона коллективини қизиқтирадиган муҳим масала ҳал этилган бўлади. Иккинчидан, студент институтни тугатгач гўппа-тўғри ўша корхонада синов муддатини ўтмасдан оқ ишлаб кетаверади.

Институтимизнинг профессор-ўқитувчилар коллективи мутахассис кадрлар тайёрлаш савиясини янада кўтариш учун ҳамма тадбирларни ишга солмоқда. Институтимиз бўлимлари йил сайин кенгайиб, етиштирадиган кадрлар ихтисослари сони ортиб бормоқда. Шунга қарамай, институт жойлашган бино торлигича қолаётир. Ҳозир институтнинг ўқув биноси ажратилиши лозим бўлган жой ҳажмининг 24 процентини ташкил этади, холос. Бу ҳол студентларни ҳар куни эрталаб соат 8 дан кеч соат 11 гача дарс ўқишга мажбур қилмоқда. Ҳатто дам олиш кунлари ҳам дарс жадвали бўйича машғулотлар ўтказишга тўғри келаётир.

Ўқув биносининг торлик қилиб қолганлиги ҳамда жуда зарур бўлган лаборатория ва кабинетларнинг етишмаслиги кадрлар тайёрлаш сифатини кўтаришда катта тўсиқ бўлиб турибди.

Партия ва ҳукуматимиз қарори билан институтимиз жуда кўп асосий-оқ-ускуналар олади. Бироқ уларни ўрнатиш учун жой йўқ. СССР Олий таълим министрлиги бино майдонини кенгайтириш учун маблағ ажратмаётир.

Институтимиздаги мавжуд ўқув биноларидан ҳар бир ихтисосга мосланмаганлиги учун ўқув-тарбия ишларини олиб боришда айрим ноқулайликларга учрамоқдамиз. Масалан, институтнинг химия-технология факультети собиқ меҳмонхона биносига жойлашган. Бу факультет учун ихтисослаштирилган махсус ўқув биноси қуриш вақти аллақачон келиб етган. Мазкур факультет жойлашган эски бинони эса студентлар учун ётоқхона сифатида фойдаланиш мумкин. Тоғ факультети жойлашган бино ҳам кўпгина ноқулайликларга эга.

Бундай ихтисослашган ўқув биноларини қуриш учун СССР Олий таълим министрлиги томонидан бериладиган ёрдамни кутиб ўтирмай, республикамиз партия ва совет ташкилотларининг кўмаги билан иш бошлаш зарурдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирлар амалга оширилса, институтимиз учун зарур бўлган инженер ва бошқа мутахассислар тайёрлаш савиясини янада кўтариш имкониятига эга бўлур эди.

С. СИГОВ,

Ўрта Осиё политехника институти директорининг ўринбосари.

Ер сунъий йўлдошларининг ҳаракати тўғрисида

Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши 2 январь эрталаб соат 6 га қадар Ер атрофини 844 марта айланиб чиқди. Биринчи сунъий йўлдош шу вақтгача Ер атрофини 1367 марта айланиб чиқди.

Ҳаво очиқ бўлганда иккинчи сунъий йўлдошни қуёш ботгандан кейин шимолий кенгликнинг 52 градусидан 62 градусигача ҳамда қуёш чиқиши олдидан жанубий кенгликнинг 17 градусидан 50 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин бўлади. (ТАСС).

Бен-Гурион ҳукумати истеъфо берди

ТЕЛЬ-АВИВ, 31 декабрь. (ТАСС). Исроил бош министри Бен-Гурион бугун ўз ҳукуматининг истеъфоси тўғрисида президент Бен-Цвига ариза топширди.

Декабрь ойи мобайнида давом этган ҳукумат кризиси Бен-Гуриннинг коалицион ҳукуматида ташқи сиёсат масалалари юзасидан чуқур ихтилофлар борлигини акс эттирди. Ҳукумат коалицияси составига кирган «Ахдут авода» ва Мапам партиялари Исроил жамоатчилигидаги муътадилроқ доираларнинг кайфиятларини назарга олиб, Исроил ҳукмрон доираларининг авантюристик ташқи сиёсатига қарши чиқдилар.

Маълумки, яқинда қурол-яроғ сотиб олиш учун Боннга махфий ҳарбий миссия юборилганлиги тўғрисида ва Исроилнинг НАТОга жалб этилиши мўлжалланаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар матбуотда пайдо бўлди. Бу маълумотлар Исроилнинг бундан кейинги тақдири учун жамоатчилик доираларида ташвиш туғдирди, албатта. Бен-Гурион ҳукумат коалициясига киручи ҳамма партиялардан кенг ваколатлар берилишини, жумладан, Боннга ҳарбий миссия юборилишига ҳамма партияларнинг розилигини талаб қилганида эса, «Ахдут авода» ва Мапам партияларнинг вакиллари бу миссиянинг юборилишига қарши чиқдилар. Бу партияларнинг бундай позицияси коалицияда ихтилоф туғдирди ҳамда Бен-Гурионни истеъфога чиқиш ҳақида Исроил президентига ариза беришга мажбур қилди.

Президент янги ҳукумат тузишни яна Бен-Гурионга топширади, деб ўйлайдилар.

Исроилда ҳукумат кризиси

ТЕЛЬ-АВИВ, 2 январь. (ТАСС). Исроил президенти Бен-Цви собиқ бош министр Бен-Гурионга янги ҳукумат тузишни топшириди.

АҚШ аҳолисининг сони

ВАШИНГТОН, 31 декабрь. (ТАСС). АҚШ рўйхат бюросининг берган маълумотларига кўра, 1958 йил 1 январга қадар Қўшма Штатлар аҳолиси 172.800 минг кишини ташкил этади. Бир йил ичида мамлакат аҳолиси 3 миллион киши кўпайган.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

◆ Канада ташқи ишлар министри Смит Канадиен Пресс агентлиги мухбирининг саволига жавобан: «Менинг янги йилдаги истагим шуки, Ғарб билан Совет Иттифоқи ўртасида муросага келадиган нуқтани топайлик, деган умиддаман» деди.

◆ Бразилия президенти Жуселино Кубичек янги йил муносабати билан мамлакатга қилган мурожаатида, ҳозирги вақтда Бразилия ҳукумати Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатларни тиклаш масаласини муҳокама қилмоқда, деди. Кубичек Бразилия ҳукумати Совет Иттифоқининг катта аҳамиятга эга эканлигини энди ҳисобга олмаслиги мумкин бўлмай қолди, деди.

◆ 1958 йилда товар айирбошлаш ва тўловлар тўғрисида Будапештда Венгрия-Албания битими имзоланди. Шу битимга биноан, Венгрия билан Албания ўртасидаги товар оборот 1958 йилда 40 процент кўпаяди. Венгрия Албанияга корхоналар учун комплекс ускуналар, электр асбоблари, кабель, қишлоқ хўжалик машиналари, дори-дармонлар, кенг истеъмол моллари ва шу кабиларни етказиб беради. Албания Венгрияга битум, кўмир, нефть, хромли руда, тери, мевалар етказиб беради.

◆ Нигерия хотин-қизлар союзининг раиса Рэнсом Кути хоним халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси билан алоқада бўлганлиги сабаби унинг Нигериядан четга чиқиши тақиқлаб қўйилди. Нигерия бош министрининг буйруғига биноан, унинг паспорти бекор қилинди. Нигерия хотин-қизлар союзи Нигерия федерацияси бош министрига, Англиянинг мустамлакалар министри Ленокс-Бойдга, парламент аъзолари бўлган лейбористларга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарига норозилик хатлари юборди. (ТАСС).

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференциясида

ҚОҲИРА, 1 январь. (ТАСС). Кеча Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференциясининг ялпи мажлисларида умумий дискуссия давом этди.

Нигерия делегати Осиё ва Африка халқларини «умумий душманимиз бўлган империализмга қарши курашиш учун» бирлашишга чақирди. Империализм, — деди у, — халқлар ўртасига нифоқ солиш ва уларни бир-бирларидан ажратиб юборишга доим интилаётган бўлса ҳам, Осиё ва Африка халқлари биргаликда ҳаракат қилганларида мустамлакачилар зулми кишанларини тамомила парчалаб ташлайдилар.

Уммон вакили Муҳаммад ал-Харси Англиянинг Уммонга қарши қилган агрессияси тўғрисида гапирди. Инглиз қўшинлари, деди — у, — Уммонни ваҳшийларча вайрон қилмоқдалар, ҳимоясиз тинч кишиларни ўлдирмоқдалар. Ал-Харси Уммон халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашмоқда, — деди.

Тунис, Лаос, Судан, Занзибар, Сенегал, Кения, Того ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам нутқ сўзладилар.

Конференция делегатлари совет делегациясининг бошлиғи Ш. Р. Рашидовнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар.

Осиё ва Африкадаги кўп мамлакатлар халқларининг вакиллари қатнашаётган бу конференциянинг аҳамияти, — деди Ш. Рашидов, — гоят каттадир.

Осиё ва Африкадаги 29 давлатнинг Бандунг конференцияси мустамлакачиликни қаттиқ қоралади ва тинч-тотув яшашдан иборат машҳур принципларни эълон қилди. Совет Иттифоқи ер юзидаги барча қитъаларда кўп мамлакатлар ташқи сиёсатининг асоси бўлган ана шу принципларни тўла равишда қўллаб-қувватлади. Қоҳирада тарихий конференциянинг чақирилиши Осиё ва Африка халқлари ўз тақдирларини ҳал этишни мустаҳкам суратда ўз қўлларига олаётганликларини исбот қилади. Осиё ва Африка халқларининг бирдамлиги йил сайин ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда ҳамда ҳар қандай душман кучлар бу бирдамликни буза олмайдилар.

Совет халқи эндиликда тинчлик зонасини кенгайтиришда, ўз даврини кечириб бўлган ва чириган босқинчи империализм системасига қарши курашда жуда катта роль ўйнаётган Осиё ва Африка мамлакатлари кучларининг тобора мустаҳкам ушиб бораётганлигини батамом маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди.

Ш. Рашидов таъкидлаб айтдики, Совет Ўрта Осиёси ва Совет Закавказьеси республикалари ҳаёти мисоли мустамлакачилик идеологларининг Шарқ халқлари мустақил прогресс ва ривожланишга қодир эмас, деган сохта ўйлирмаларини бутунлай рад этади.

Мен, — сўзини давом эттирди Ш. Рашидов, — узоқ вақт оғир кураш олиб бориб, яқиндагина ўз миллий мустақиллигига эришган Шарқдаги бир қанча мамлакатларда, — Хитойда, Ҳиндистонда, Индонезияда, Бирмада, Вьетнамда ва бошқа мамлакатларда бўлиш шарафига муяссар бўлдим. Мустамлакачилик асоратидан озод бўлган ана шу мамлакатларнинг халқлари миллий тараққиётнинг кенг ва ёруғ йўлига ўтиб, янги ҳаёт барпо қилишда, саноатни, қишлоқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш учун курашда зўр қобилият ва қаҳрамонлик кўрсатаётганликларини ўз кўзим билан кўрдим.

Эндиликда мустамлакачилик асоратидан қутилган талантли ва меҳнатсевар Миср халқи ўз мамлакатида муваффақиятли суратда янги ҳаёт барпо қилаётганлигини яққол кўриб турибмиз.

Совет давлатининг асосини қурган улуғ Ленин Шарқ халқлари ўз тақдирларини ўз қўлларига оладиган ва ҳар бир халқ бутун инсониятнинг тақдирини ҳал этишда қатнашадиган пайт келади, деган эди.

Бизлар ана шу пайт келганлигини кўриб турибмиз. Осиё ва Африкадаги 1 миллиард 600 миллион киши мустамлакачилик асорати кишанларини парчалаб ташлаб, мустақил тараққиёт йўлига ўтганлигидан хурсандмиз. Эндиликда халқаро миқёсдаги муҳим масалаларнинг бирортаси ҳам Осиё ва Африка халқларининг иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас.

Совет халқи, — деди Ш. Рашидов, — Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Миср, Корея, Вьетнам, Бирма, Сурия, Ливан, Судан, Жазоир, Тунис, Яман, Уммон халқларининг ва ўз озодлиги ҳамда мустақиллиги учун кураш олиб бораётган бошқа ҳамма халқларнинг курашига доим муҳаббат билан қараб келди, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Совет Иттифоқи янги мустақил давлатларнинг вужудга келишини доим табриклайди, улар билан дўстона муносабатлар ўрнатади. Совет халқи Осиё ва Африка халқларининг экономикасини ва хусусан саноатини ривожлантиришда уларга беғараз ёрдам беради. Совет халқи улар билан ўзаро фойдали бўлган ва халқларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодий алоқалар ўрнатади.

Совет Иттифоқи бошқа тинчликсевар халқлар билан биргаликда Корея ва Вьетнамда уруш оловини ўчириш учун кўп куч сарф қилди. СССР қаҳрамон Миср халқининг Англия — Франция — Исроил агрессорларига қарши олиб борган курашини қатъий суратда қўллаб-қувватлади. Ана шу агрессорлар Миср республикасининг мустақиллигини қон дарёсига ғарқ қилмоқчи бўлиб уринган эдилар. Совет давлати Сурининг мустақиллигига қарши тайёрланган агрессияга йўл қўймаслик учун бутун чораларни кўрди.

— Биз, — деди Ш. Рашидов, — Жазоирда мустамлакачилар томонидан олиб борилаётган қонли урушни тўхтатиш, Тайвань, Ғарбий Ириан, Гоа, Окинава тўғрисидаги масалани ва Осиё ҳамда Африкадаги бошқа мамлакатларда миллий мустақилликка доир энг муҳим проблемаларнинг ҳаммасини адолатли суратда ҳал этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги талабини ва Корея ҳамда Вьетнам халқларининг ўз мамлакатларини демократик асосда миллий бирлаштириш ҳақидаги адолатли орзу ва тилакларини қатъий қувватлаймиз.

Биз, араб халқларининг Фаластин қочоқларини ўз ватанларига қайтариш тўғрисидаги, шунингдек мажбурий тартибда кўчириш орқасида уларга етказилган зарар ва талафотларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларини дстойдил қувватлаймиз. Фаластин қочоқларининг чеккан азоб-уқубатлари, тўккан қонлари ва оқизган кўзёшлари империалистларнинг бошига тушсин.

Ш. Рашидов Совет давлати ташкил топган пайтдан буён тинчлик учун, давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун, янги уруш тайёргарлигига қарши, қуролсизланиш учун, атом ва водород қуроллари қўлланишни тақиқлаш ва бу қуролларнинг синовларини тўхтатиш учун изчиллик билан кураш олиб бораётганлигини таъкидлаб қуйидагиларни айтди: тинчлик кучлари кўпаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Тинчлик зоналари кенгаймоқда. Осиё ва Африкада мустақил мамлакатлар сони ортиб бормоқда. Аммо шундай бўлса ҳам халқлар мустамлакачи давлатларнинг қирдиколларига нисбатан хушёр бўлишлари керак. Мустамлакачи давлатлар қирғин қуроли ва ирволар ёрдами билан Шарқ мамлакатларининг бирлигига путур етказишга, уларни бирин-кетин тормор келтиришга, чириб кетган мустамлакачилик системасини қутқазиб қолишга, ҳали ҳам эзилаётган халқлар устидан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга уринмоқдалар.

Империалистлар ана шу макрли ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тортинмайдилар. Улар Мисрга қарши агрессив уруш бошлаб, араб шарқи халқларини чўчитмоқчи бўлиб уриндилар. Аммо бу уриниш шармандаларча барбод бўлди. Империалистлар агрессив СЕАТО ва Бағдод пакти блокларини тузидилар ва ана шу блокларни агрессив НАТО блоки билан бирлаштиришга уринмоқдалар. Аммо Шарқдаги мамлакатларнинг кўпчилиги ана шу пактларнинг империализм руҳида эканлигини тез пайқаб олдилар ва бу пактларни қораладилар.

Америка империализми «Эйзенхауэр доктринаси» деб аталган доктринани эълон қилди. Америка империализми кам тараққий этган мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш баҳонаси билан бу мамлакатларни асорат остига олишга, улар экономикасини ривожлантиришга халақит беришга, уларни агрессив блокларга тортишга ва ўзларининг тинчликсеварлик ташқи сиёсатилан воз кечиш учун мажбур этишга уринди. Аммо империалистлар «ёрдам»ининг нимадан иборат эканлигини билиб олган Шарқдаги деярлик барча халқлар ана шу ёрдамдан воз кечдилар ва «Эйзенхауэр доктрина»сини Шарқ халқларини қулликка солиш қуроли деб билиб, бу «доктрина»ни қораладилар.

Ш. Рашидов нутқининг охирида бундай деди: Дунёда мустамлака ва қарам мамлакатлар бўлмайдиган пайт, халқлар дўстлиги байроғи, озодлик, тараққиёт байроғи ва тинч ижодий меҳнат байроғи ер юзида тантана қиладиган пайт яқин қолди.

Дўстлар ва қардошлар, дадил ва тетик бўлингиз! Қуллик даври ўтиб кетмоқда! Озодлик ва мустақиллик шамоли мустамлакачилар асоратининг қора булутларини тарқатиб юборади! Озодлик ва мустақиллик қуёши халқларнинг йўлини ёритмоқда!

Яшасин Осиё ва Африка халқларининг қудратли бирдамлиги! Яшасин бутун дунёда тинчлик!

Конференция қатнашчилари Хитой делегациясининг бошлиғи Го Мо Жонинг нутқини иштиёқ билан тингладилар. Го Мо Жо ўз нутқида таъкидлаб айтдики, ҳозирги кунда панча шила, яъни тинч-тотув яшашнинг беш принципи бутун дунёдаги халқлар учун умумий принциплар бўлиб қолди.

Тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатни, — деб сўзини давом эттирди Го Мо Жо, — империализмга ва мустамлакачиликка қарши, миллий мустақиллик учун курашдан ажратиш мумкин эмас.

ҚОҲИРА, 1 январь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференциясининг бугун эрталабки ялпи мажлисида конференция раиси Анвар Саодат комиссиялар ўз ишларини тамомлаганликларини ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан резолюция проектлари делегатларнинг муҳокамасига тақдим этилганлигини билдирди.

Делегатлар сиёсий комиссия томонидан тақдим этилган резолюцияларни, чунончи империализм ҳақидаги, қуролсизланиш ва атом уруши хавфини йўқотиш тўғрисидаги, Жазоир масаласи ҳақидаги, ирқий камситиш тўғрисидаги, Фаластин масаласи ҳақидаги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тўғрисидаги резолюцияларни гулдурос қарсаклар остида бир овоздан маъқуллладилар.

Конференция АҚШ, СССР ва Англия ҳукуматларига қарата чиқарилган мурожаатни ва дунёдаги олимларга қарата чиқарилган мурожаатни ҳам якдиллик билан маъқуллади.

Шундан кейин иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги, маданий алоқа тўғрисидаги ва социал ҳамда ташкилий масалалар тўғрисидаги резолюциялар бир овоздан қабул қилинди.

Кечқурун Қоҳира университетининг конференц залида конференциянинг охирги мажлиси бўлади.

ҚОҲИРА, 1 январь. (ТАСС). Бугун кечқурун Қоҳира университетининг конференц залида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференциясининг охирги мажлиси очилди.

Мажлисда барча делегациялар, жуда кўп меҳмонлар, чет эл элчиҳоналари ва миссияларининг бошлиқлари, дунёдаги кўп мамлакатларнинг матбуот вакиллари ҳозир бўлдилар. Залда қарсаклар узоқ давом этади, араб халқларини бирлаштириш, мустақилликни мустаҳкамлашга чақириб/ қилинган даъватлар, халқларнинг бирдамлиги шарафига, конференция шарафига ва унинг ишларида қатнашган мамлакатлар шарафига табрик хитоблари янграйди.

Конференциянинг раиси Анвар Саодат Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясининг декларациясини ўқиб эшиттиради. Делегатлар гулдурос қарсаклар билан ана шу ҳужжатни якдил бўлиб маъқуллаганликларини изҳор қиладилар. Залда империализмга қарши, харбий пактларга қарши, Бағдод пактига қарши ва империалистларнинг «Эйзенхауэр доктринаси»га қарши, тинчлик, халқларнинг бирдамлиги ва дўстлиги шарафига табрик хитоблари яна янграйди.

Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Рамешвари Неру хоним барча делегациялар номидан нутқ сўзлади.

Конференция қатнашчилари Неру хонимнинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар.

Шундан кейин конференциянинг раиси Анвар Саодат сўнгги нутқни сўзлади.

Конференциянинг охирги мажлиси тинчлик ва озодлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қатъий қарор берганликларини билдирган Осиё ва Африка халқлари дўстлиги ва бирдамлигининг қудратли намойишига айланди.

Конференциянинг бош секретари Юсуф ас Сибоий Кения, Жазоир, Кипр, Сомали, Уммон, Камерун, Уганда, Занзибар, Фаластин, Чад делегацияларни бошлиқларини минбарга таклиф этади. Залда яна гулдурос қарсаклар бошланади. Ҳамма ўрнидан турали ва: «Яшасин тинчлик!», «Яшасин халқлар дўстлиги!», «Озодлик ва мустақиллик!», «Йўқолсин империализм ва империалистик пактлар!» шиорларини айтади.

Делегацияларнинг президиумда бўлган бошлиқлари бир-бирларининг қўлларини ушлаб, конференция қатнашчиларига салют берадилар. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар Осиё ва Африка халқларининг Қоҳира конференцияси ишлаган кунларда жуда яққол кўринган бирдамлигини гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар.

Раислик қилувчи Анвар Саодат конференцияни ёпиқ деб эълон қилади. Оркестр Миср республикасининг миллий гимнини ижро этади.

Миср президенти Носир Қоҳира конференцияси делегатлари шарафига қабул маросими ўтказди

ҚОҲИРА, 2 январь. (ТАСС). Миср республикасининг президенти Жамол Абдил Носир кеча Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференцияси делегатлари шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида барча делегацияларнинг аъзолари, министрлар, Миллат мажлисининг делегатлари, маҳаллий ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Президент делегатларни самимий табриклади ва Қоҳира конференциясининг Осиё ҳамда Африка халқларининг ҳаётида катта воқеа бўлди, деб таъкидлади.

Президент Носир совет делегациясининг раҳбари Ш. Р. Рашидов билан қисқа суҳбат қилди ва совет халқига Миср халқининг саломинни топширишни ундан илтимос қилди.

Тошкентда

Янги йилни тантанали кутиб олган мактаб ўқувчилари каникул кунларини ҳам шоду хуррамлик билан ўтказмоқдалар. Қувноқ ўғил-қизларнинг яхши дам олишлари, ўйнаб-кулишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Тошкентдаги Свердлов номли концерт зали бутун каникул давомида бахтиёр болалар ихтиёрига берилган. Концерт залининг фойэси болалар диққатини ўзига тортувчи расмлар билан безатилган: бу ерда ўзингизни худди сиҳрли ўрмонга кириб қолгандек ҳис қиласиз. Катта залнинг ўртасида қишин-ёзин нўм-кўк бўлиб ўсиб турадиган арчанинг қад кўтариб турганини кўрасиз. У рангба-ранг лампочкалар, турли-туман ўйинчоқлар билан безатилган. Бу ерда ҳар куни Янги йилга бағишланган байрам ўйинлари бўлмоқда.

Янги йил байрам ўйинлари Эстрада театри, Островский номли ва Сталин номли пионер саройларида, ишчи клублари ва Маданият саройларида, пионер уйлари ва мактабларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

Суратда: Ленин майдонида безатилган Янги йил арчаси.

В. Салов фотоси.

«Оқ нилуфар» пьессаси студентлар ижросида

Театр-рассомчилик институти ўзбек группасининг студентлари ҳинд ҳаётидан олинган «Оқ нилуфар» пьесасини саҳнага қўйиш учун тайёрламоқдалар. Студентларнинг бу диплом спектаклига Сталин мукофоти лауреати артист Раззоқ Ҳамроев раҳбарлик қилмоқда. Спектакль декорацияларини Муқимий номидаги драма театрининг рассоми Г. Визел ишламоқда.

Студентлар «Оқ нилуфар» спектаклини дастлаб Муқимий номли музикали драма ва комедия театри саҳнасида кўрсатадилар. Сўнгра, студентларнинг маҳоратига, актерлик талантига ҳал қилувчи баҳо бериш учун бу спектакль 1958 йил бошларида Москвада, СССР Маданият министрлигининг ўқув театри саҳнасида намойиш қилинади.

Ҳозир студентлар ўз диплом ишларининг муваффақиятли чиқиши учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари

Шаҳарда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғи кенгайиб бормоқда. Ҳозир 10 та кир ювиш пунктлари ва кийимларни тозалайдиган 13 та корхона ишлаб турибди. Бундан ташқари, соат ва пойафзалларни ремонт қилувчи 2 та механизациялашган мастерской ҳам бор.

Сўнгги пайтларда яна 17 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил қилинди. Холодильник ва телевизорларни ремонт қилиш, деразаларга ойна солиш, уйларни оқлаш, китобларга муқова қилиш ва бошқа корхоналар шулар жумласиндир. 1957 йилда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 1956 йилдагига нисбатан 25 процент кўпайди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масаласи яқинда шаҳар ижроия комитетида муҳокама қилиниб, кийим-бошларни тикиш ва тозалаш, пойафзалларни ремонт қилиш ишларини корхоналар томонидан қисқа муддатда бажаришга эришиш тадбирлари белгиланди. Шунингдек, яқин вақт ичида шаҳарда болалар кийими тикиладиган ателье ташкил этишга қарор қилинди.

200 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди

Пойтахтимизнинг илғор корхоналаридан бири «Ўзбексельмаш» заводида ишлаб чиқариш новаторлари сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. 1957 йилда ҳаммаси бўлиб ишлаб чиқаришга қарийб 200 та рационализаторлик таклифлари жорий этилди. Ана шу таклифларнинг амалга оширилиши туфайли давлатнинг 1 миллион сўмга яқин маблағи иқтисод қилинди.

Рационализаторлик таклифларининг кўпчилиги қишлоқ хўжалик машиналари тайёрлашга сарф бўладиган меҳнатни мумкин қадар камайтириш ва механизациялашга қаратилди. Жумладан, чўянни қуйиш, машиналарни бўяш ва бошқа операциялар механизациялаштирилди. Завод новаторларининг ижодий ишлашлари йиллик планни муддатидан олдин бажариб, қўшимча равишда 1200 тадан кўп сеялка, 100 дан ортиқ ОУН-4 маркали чанглагич-пуркагич аппаратлари, қишлоқ хўжалик машиналари учун қарийб 800 минг сўмлик деталлар ишлаб чиқаришга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Чет эл шарқи ёзувчилари асарларининг нашр этилиши

1958 йилда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилади, шунингдек Тошкентда Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг II конгресси очилади. Республика ёзувчилари ва нашриёт ходимлари декада ва конгрессни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Декадага олиб бориш учун янги асарлар ёзилмоқда ва нашр этилмоқда.

Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриётининг шарқ бўлими чет эл Шарқи ёзувчилари асарларининг энг яхши намуналарини ўзбек тилида нашр этиш ишларини олиб бормоқда. Бўлим 1957 йилда 8 номдаги китобни нашрдан чиқарди. Бу асарлар орасида ҳинд, афғон, индонезия эртаклари ва бошқа асарлар бор.

Шарқ бўлимининг 1958 йил нашр этиш планида 25 номдаги асарлар кўрсатилган. Бу йил ўзбек китобхонлари Хитой, Ҳиндистон, Япония, Эрон, Афғонистон, Туркия, араб мамлакатлари ҳозирги замон ва классик ёзувчиларининг бир қанча асарларини ўз тилларида ўқийдилар.

1958 йилда хитой ёзувчиларидан Чжоу Ли-Банинг «Довул», Ба Цзиньнинг «Оила» романлари, Лу Синьнинг танланган асарлари, хитой ҳикоялари тўплами нашр этилади. Ўзбек китобхонлари ҳинд ёзувчиларидан Мулк Радж Ананднинг «Кули», Р. Тагорнинг «Емирилиш» романларини, шунингдек ҳинд эртаклари ва ҳикояларини оладилар.

Таржимонлар вьетнам, корея, мўғулистон, бирма, япония, афғон, эрон, турк ёзувчиларининг асарларини, шунингдек бу мамлакатлар халқларининг эртакларини ва ҳикояларини таржима қилмоқдалар. Келгуси йили араб мамлакатлари ёзувчиларининг кўпгина асарлари ҳам ўзбек тилида чиқади. Жазоирлик адиб Муҳаммад Дибиннг «Катта уй» ва «Ёнғин» асарлари, мисрлик ёзувчи Маҳмуд Таймурнинг ҳикоялар тўплами, араб шоирларининг шеърлар тўплами нашр этилади.

Ёрдамчилар мукофотландилар.

Тошкент чет тиллар педагогика институтининг пахта йиғим-теримида фидокорона меҳнатлари билан бошқаларга намуна кўрсатган 30 студенти Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғини, шунингдек 50 га яқин студент область, район партия ва комсомол комитетининг Фахрий ёрлиқларини олишга муяссар бўлдилар.

Бундан ташқари Акмолинск областининг «Олмаота» совхозида ғалла йиғим-теримида қатнашган 90 студентнинг кўпчилиги «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиргани учун» медали ва пул билан мукофотландилар.

Янги водопровод

Яқинда Фрунзе районидаги Западная кўчасида водопровод қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада икки юздан ортиқ хонадон водопровод суви билан таъминланди.

Район ижроия комитети сайловчилар наказини бажариш учун кураштиб, яқин кунлар ичида Ниточная кўчасида ҳам водопровод қуриб ишга тушириш чорасини кўрмоқда.

Бугун телевизор экранида

19.30. Болалар учун эшиттириш.
20.00. Бирма мустақилликка эришган куннинг 10 йиллигига бағишланган эшиттириш.
20.15. Киножурнал.
20.25. Бадиий фильм — «Ер ва кишилар».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/I да кундуз **Айтсам тилим, куяди, айтмасам дилим**, кечқурун **Гамлет**, 4/I да кундуз ва кечқурун **Ганг дарёсининг қизи.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/I да кундуз **Шўрали**, 4/I да кундуз **Пиковая дама.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 12/I гача кеч соат 8 дан **Ёшларнинг янги йил кечалари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 12/I гача кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да **Циркда арча.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги кинопоэтесса **Мен яшайдиган уй.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9 ярим ва 11 да **Канотли совға**, кундуз ва кечқурун **Мен яшайдиган уй.**

Тошкент область матлубот союзи правлениеси, Оржоникидзе район матлубот союзи коллективи, партия ва касаба союз ташкилотлари Оржоникидзе район матлубот союзи Тайёрлаш конторасининг директори **Исмоил ПИРМУҲАМЕДОВНИНГ** вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132 Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00403. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-877.